Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 123 (20. 690) • 1990 йил 31 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Президентининг Канадага ташрифи

ОТТАВА, 29 май. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев Канада ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга икки кунлик давлат ташрифи билан келди. Оттава яқинидаги Апленд авиабазасида Совет Иттифоқидан келган олий меҳмонни Канада генерал-губернатори Рамон Хнатишин, Бош министр Брайан Малруни, ҳукумат аъзолари, жамоатчиликнинг кўплаб вакиллари кутиб олдилар.

СССР Президентининг келиши шарафига СССР Давлат мадҳияси ижро этилди, тўплардан 21 марта мушак отилди. Совет раҳбари аэродромнинг учиш майдонида фахрий қоровул сафини айланиб ўтди. Канаданинг давлат мадҳияси ижро этилганидан сўнг М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева фахрий меҳмонларнинг Олтин китобига имзо чекдилар.

Сўнгра Канада генерал-губернатори Р. Хнатишин билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Тантанали учрашув маросими тугаганидан сўнг автомашиналар кортежи СССР Президенти учун ажратилган «Ридоу-ҳолл» қароргоҳи томон йўл олди.

ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИГА МУРОЖААТ

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам оталар ва оналар!

Қадрли ака-укалар ва опа-сингиллар!

Ўзбекистон халқлари ҳаётида оғир, аламли ҳодисалардан бири ҳисобланган Фарғона фожиаларининг содир бўлганига шу кунларда бир йил тўлади. Бугун марҳумларнинг яқинларидан яна бир карра кўнгил сўраб, таъзия изҳор этамиз, уларга сабру бардош тилаймиз.

Фарғона фожиаси чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик боис, кўпчилик ёшларнинг ишсизлиги ва муҳтожлигидан ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаланган жиноятчи гуруҳлар қутқуси билан содир бўлди. Улар ҳали ёш, суяги қотмаган ўсмирларни аврадилар, йўлдан урдилар, оқибатда наинки бизнинг миллатга мансуб кишилар, шу билан бирга биз билан тили ва дини, урф-одатлари уйғун бўлган бошқа халқ вакиллари ҳам ҳалок бўлдилар. Жаҳл ақлдан устун келди, алам ва ғазаб тўфони остида юзлаб хонадонларга ўт кетди, одамлар орасига совуқчилик тушди.

Ўша кунларда кўкка ўралган фарёдлар барчамизни огоҳликка чақириб, бонг урувчи таҳлика қўнғироғи каби қулоқларимиз остидан кетмайди. Ҳали узоқ вақт бу фожиа юракларимизни ларзага солиб туради.

Ўша машъум кунларда алданиб иштирокчи бўлиб қолган фарзандларимиз ҳам жазога тортилганлар. Улар ҳам халқимизнинг пушти-камаридан бунёд бўлган ўз авлодларимиз. Уларнинг бошига тушган оғир ташвиш барчамизни қийнайди. Уларнинг ҳаёт-мамоти, тақдири бизни ҳеч вақт бефарқ қолдирмайди.

Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар.

Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин, дейлик. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳали жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналарни тиклаш, тилимизнинг равнақи, қишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада қутлуғ бўлгай.

Халқимизда «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деган нақл бор. Ўзбекнинг дўстпарварлиги, кенг феъллиги ва тантилиги жаҳон аҳлига азалдан маълумдир. Фикримизнинг исботи учун мозийдан ҳам, бугундан ҳам юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Суриштириб келадиган бўлсак, бундай кўпдан-кўп мисоллар Фарғона водийси чекига ҳам тушади. Гўзаллик, дониш ва адолатни ардоқлаган буюк сиймолар — Бобур, Машраб, Муқимий, Нодирабегим ва ўзга табаррук зотларнинг шу ажойиб эл бешигида тарбия топганини эслаш кифоя. Бу гапларимиз қуруқ мақтов эмас, балки самимий иқрордир. Фарғона аҳли инсоний муомалаларни жойига қўйгувчи, норасида гўдакнинг ҳам иззатини осмон қадар баланд тутиб, уни-да мудом «сиз»лагувчи, ўзи емаса ҳам ҳалол луқмасини меҳмонга илингувчи саховатли бир элдир. Комил ишонч ва имон билан айтамизки, бундай элнинг қонида маҳдудликка ўрин йўқ. Нобуд бўлган навниҳол фарзандларимизни аслида инсонийликни, миллату мазҳабни ўйламаган, насли насаби ҳам, мафкураси ҳам нотайин манфур кимсалар йўлдан урдилар. Улар ўзларининг қутқуларини кейинчалик Бўка ва Паркентда, яқиндагина эса Андижон шаҳрида ҳам такрорлашга уринган кўрдилар. Бу кимсалар, албатта, қилмишларига яраша жавобгарликка тортиладилар, адолат, ҳеч шубҳасиз, юзага чиқади. Бундай ҳодисалар халқимизни янада зийрак бўлишга, дўст ва душманни, гуноҳ ва савобни янада аниқроқ фарқлашга ундайди. Бугун бизга собит ирода, ўзаро ҳурмат ва иззат, якдиллик ва ҳамнафаслик ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Азиз юртдошларим, жигарбандларим!

Биз бугун Фарғона водийсида фитна қурбони бўлганлар руҳини ёд этмоқдамиз. Уларнинг таъзиядор ота-оналари, қариндош-уруғлари билан бирга қайғу чекмоқдамиз. Биз бу табаррук тупроқ узра тўкилган ҳар бир қатра қон учун жавобгармиз. Ҳар қатра қон — бизнинг кулфатимиз, виждон азобимиздир.

Бугун Фарғона бонг уради! Одамлар, бир-бирингизга биродар бўлингизлар, аҳил ва иноқ яшангизлар, деб бонг уради.

Бўйи бўйи билан тенг фарзандидан айрилиб қолган, кўзлари ёшли отанинг юрак нидосида ана шу чақириқ бор!

Биргина лаҳза ичида отасидан айрилиб, етим бўлиб қолган боланинг ҳайрон кўзларида ана шу чақириқ бор!

Фарғона бонг уради! Оналар фарёди бонг уради!

Одамлар! Ҳушёр бўлинглар!

Айрилиқ доғи осонликча кетадиган доғ эмас. Бир йил олдин бошимизга тушган мусибат ҳали кўп йиллар кўнглимизни тиғлаши тайин. Жумҳурият аҳлига ушбу сўзлар билан мурожаат этар эканман, бугунги эслов, миллионлаб юртдошларимизнинг эзгу калималари қайғу чўккан дилларга озгина бўлсада тасалли бахш этар, деган умидим бор.

Ўша қаро кунлар асло қайтиб келмасин, элимизнинг осойишталиги барқарор бўлсин!

И. А. КАРИМОВ.
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССРда ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун СССР Конституциясига мувофиқ СССРнинг меҳнатга лаёқатсиз барча фуқароларининг меҳнат пенсиялари ва ижтимоий пенсиялар бериш йўли билан ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан моддий таъминланиш ҳуқуқига кафолат беради.

Қонун меҳнатни халқ ва ҳар бир совет кишиси фаровонлигини ошириш манбаи сифатида тўлиқроқ ҳисобга олишга, пенсия таъминотида тенгсизлик билан ёндашишни истисно қилишга қаратилган. У ишчилар, хизматчилар, колхозларнинг аъзолари ва бошқа тоифадаги меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти шароитлари ва нормалари бирлигини белгилайди.

Қонун пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояланишига, шу жумладан, тирикчилик қиймати ўзгаришига ва мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ошишига қараб пенсия миқдорларини мунтазам қайта кўриб чиқиш йўли билан кафолат беради.

I. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. **СССРда фуқароларнинг давлат пенсияси билан таъминланиш ҳуқуқи**

СССР фуқаролари қариганида, ногирон бўлиб қолганида, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда давлат пенсияси билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

СССРда яшовчи ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар СССР қонунларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, СССР фуқаролари билан баб-баравар пенсия ҳуқуқига эгадирлар.

2-м о д д а. **Давлат пенсияларининг турлари**

Ушбу Қонунга биноан:

а) меҳнат пенсиялари:

қарилик (кексалик) пенсиялари;

ногиронлик пенсиялари;

боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан бериладиган пенсиялар;

муайян муддат хизмат қилгани учун пенсиялар;

б) ижтимоий пенсиялар.

3-м о д д а. **Меҳнат пенсияси ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлган шахслар ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа шартларга риоя этган тақдирда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) меҳнат шартномаси асосида корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, кооперативларда ишловчилар, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг фойдаланилаётган шаклларидан қатъи назар ёки колхозлардаги ва бошқа кооперативлардаги — аъзолик асосида — корхона ва ташкилотлар СССРнинг пенсия фондига суғурта бадалларини тўлаган тақдирда;

б) якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, шу жумладан, якка (гуруҳ) ижара ёки шахсий деҳқон хўжалиги шароитида ишловчилар — СССР пенсия фондига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

в) ижодий уюшмаларнинг аъзолари, шунингдек, ижодий уюшмаларнинг аъзолари бўлмаган бошқа ижодий ходимлар — СССР пенсия фондига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

г) давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинадиган бошқа шахслар;

д) ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинмайдиган ходимлари, СССР Алоқа министрлиги махсус алоқа хизматининг бошлиқ ва оддий таркибидаги шахслар*.

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг билим юртлари, мактабларнинг ва кадрлар тайёрлаш курсларининг ўқувчилари, аспирантлар ва клиника ординаторлари, докторантлар;

ж) давлат ва жамоат вазифаларини бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат, жамоат мулкини, СССР фуқароларининг мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасида СССР фуқаросининг бурчини бажариш муносабати билан ногирон бўлиб қолган шахслар;

з) 1-группа ногиронини ёки 16 ёшгача бўлган ногирон гўдакни, шунингдек 80 ёшга етган қарияни боқиш билан шуғулланувчи шахслар;

и) ушбу моддада кўрсатилган шахсларнинг ёки пенсияга чиққан ана шу шахсларнинг оила аъзолари — боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда.

4-м о д д а. **Ҳарбий хизматчиларнинг ва улар оилаларининг пенсия таъминоти**

Ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ички қўшинлар органлари бошлиқлари ва оддий ходимларининг ҳамда улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти шартлари, нормалари ва тартиби «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонуни билан белгиланади. Уларга ушбу Қонунда кўзда тутилган асосларда пенсия олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлари ва оддий ходимлари пул таъминотининг ҳамма турлари ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи билан тенг ҳисобга олинади.

5-м о д д а. **Ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Меҳнатга лаёқатсиз барча фуқаролар ижтимоий мансублигидан қатъи назар, ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6-м о д д а. **Пенсияни танлаш ҳуқуқи**

Айни бир вақтда турли давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларнинг танлашига қараб битта пенсия тайинланади.

7-м о д д а. **Пенсия тайинланиши ҳақида мурожаат қилиш**

Пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда, бирон-бир муддат билан чекланмай, пенсия тайинланиши ҳақида мурожаат қилиш мумкин.

Бунда қарилик ва ногиронлик пенсиялари пенсия тайинланиши ҳақида мурожаат қилинган вақтгача иш тўхтатилганлиги ёки давом эттирилаётганидан қатъи назар, тайинланаверади. Муайян муддат хизмат қилгани учун пенсиялар шу пенсияни олиш ҳуқуқини берадиган иш тўхтатилганидан кейин тайинланади.

8-м о д д а. **Пенсия тўлаш маблағлари. Пенсияларни солиқлардан озод қилиш**

Пенсиялар СССРнинг пенсия фондидан тўланади.

СССРнинг пенсия фонди мустақил молия-банк системаси ҳисобланади, СССР Давлат бюджети таркибига кирмайди, корхона ва ташкилотлар томонидан ишларнинг хатарлилигига, зарарлилигига, оғирлилигига қараб ҳамда меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари ҳолатига қараб табақалаштирилган тартибда тарифларга мувофиқ ижтимоий суғурта мақсадларига ажратилган маблағлар ҳисобидан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг суғурта бадалларидан, фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларидан, шунингдек, СССР Давлат бюджети маблағларидан ҳосил қилинади. СССРнинг пенсия фонди тўғрисидаги Низом СССР Министрлар Совети томонидан ВЦСПС билан биргаликда тасдиқланади.

Пенсияларга солиқлар солинмайди.

9-м о д д а. **Қўшимча пенсиянинг ихтиёрий суғуртаси**

СССРнинг пенсия фондидан давлат пенсия таъминоти билан бир қаторда меҳнаткашлар қўшимча пенсия ихтиёрий суғуртаси шартномаларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар. СССР давлат суғурта системасидаги қўшимча пенсия тўловларининг 50 фоизи меҳнаткашларнинг шахсий бадалларидан ва 50 фоизи СССР Давлат бюджети маблағларидан иборат бўлган суғурта фондидир.

Корхона ва ташкилотлар маъмурият билан касаба уюшмаси комитетининг қарорига биноан, агар бу коллектив шартнома (битим)да кўзда тутилган бўлса, шунингдек колхозлар ва бошқа кооперативлар умумий йиғилишининг қарорига биноан, меҳнат ҳақи учун белгиланган ўз маблағлари ҳисобидан ходимларнинг қўшимча пенсия ихтиёрий суғуртаси шартномалари бўйича улар тўлаган бадалларни тўлиқ ёки қисман қоплашлари мумкин.

10-м о д д а. **Пенсия таъминотини амалга оширувчи идоралар**

Ушбу Қонунга биноан пенсия таъминотини ижтимоий таъминот идоралари амалга оширадилар. СССРнинг пенсия фондини бошқариш, ушбу Қонунни бир хил тарзда қўлланиш ҳамда зарарлилиги ва оғирлилиги юзасидан меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11-м о д д а. **Меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти устидан касаба уюшмаларининг назорати**

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу Қонуннинг тўғри қўлланилиши устидан ҳамда пенсионерларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳизматга ажратиладиган маблағларнинг ҳаржланиши устидан ижтимоий назоратни амалга оширадилар.

12-м о д д а. **СССР Министрлар Совети ихтиёридаги масалалар**

Ушбу Қонунда кўзда тутилганидан ташқари пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби билан, айрим тоифадаги гражданларнинг стажини ҳисоблаб чиқиш хусусиятларини ушбу Қонунда кўзда тутилган кафолатларга риоя этиб, белгилаш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам СССР Министрлар Советига тегишлидир.

II. БЎЛИМ. МЕҲНАТ ПЕНСИЯЛАРИ — ҚАРИЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

13-м о д д а. **Пенсия тайинлаш шартлари**

Қарилик пенсиясини олиш ҳуқуқига:

камида 25 йил иш стажига эга бўлган ва 60 ёшга тўлган эркаклар;

камида 20 йил иш стажи бўлган ва 55 ёшга тўлган аёллар эгадирлар.

14-м о д д а. **Имтиёзли шартлар билан бериладиган пенсиялар**

Қуйидагилар сўнгги иш жойидан қатъи назар, имтиёзли шартлар билан қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар:

а) ер ости ишларида, меҳнат шароити ғоят зарарли ва жуда оғир ишларда тўла иш куни банд бўлган ходимлар, СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг биринчи рўйхати бўйича ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига қараб:

иш стажи камида 20 йил бўлган ва шундан камида 10 йили рўйхатда кўрсатилган ишларда ўтган эркаклар — 50 ёшга етганда;

иш стажи камида 15 йил бўлиб, шундан камида 7 йил-у олти ой мазкур ишларда меҳнат қилган аёллар — 45 ёшга тўлганда.

Иш стажининг ярмидан кўпроғи меҳнат шароити алоҳида зарарли ва жуда қийин ишларда ўтган ходимлар учун имтиёзли пенсиялар ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўзда тутилган ёш камайтирилиб тайинланади, бунда эркаклар ва аёлларга ана шундай ишнинг ҳар бир тўла йили учун пенсия ёши бир йил камайтирилади;

б) меҳнат шароити зарарли ва қийин бўлган бошқа ишларда тўла иш куни банд бўлган ходимлар, — СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган ишлаб чиқариш, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг иккинчи рўйхати бўйича ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига қараб:

эркаклар — иш стажи камида 25 йил бўлиб, шундан камида 12 йил-у 6 ой мазкур ишларда ишлаб 55 ёшга тўлганда;

аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, шундан камида 10 йил мазкур ишларда ишлаб 50 ёшга тўлганда;

меҳнат шароити зарарли ва оғир ишдаги стажининг камида ярми ходимларга имтиёзли пенсиялар ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўзда тутилган ёш камайтириб тайинланади, бунда эркаклар учун ана шундай ишнинг ҳар 2 йилу 6 ойига ва аёллар учун ана шундай ишнинг ҳар 2 йилига пенсия ёши 1 йил камайтирилади;

в) колхозларда, совхозларда, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бевосита банд бўлган машинист-трактор торчилар — эркаклар иш стажи камида 25 йил бўлиб, шундан камида 20 йил мазкур ишда банд бўлганда 55 ёшга тўлганда;

г) машинист-тракторчи, тракторлар ва экскаваторлар базасида ўрнатилган йўл ва юк ортиш-тушириш машиналари, қурилиш машиналари машинистлари бўлиб ишлаган аёллар — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, шундан камида 15 йил мазкур ишда банд бўлган тақдирда 50 ёшга тўлганда;

д) колхозларда, совхозларда, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида сут соғувчи (машинада соғиш операторлари), оператор-чўчқабоқар бўлиб ишлаётган аёллар мазкур ишларда камида 20 йил ишлаб 50 ёшга тўлганда, белгиланган хизмат кўрсатиш нормаларини бажарган тақдирда.

Ана шу мақсадлар учун хизмат кўрсатиш нормалари СССР Министрлар Совети томонидан аниқлаб бериладиган тартибда белгилаб қўйилади;

е) бутун мавсум давомида пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш ҳамда тамаки етиштириш, уни йиғиштириб олиш ва шундан кейинги ишлов беришда банд бўлган аёллар мазкур иш стажи камида 20 йил бўлиб, 50 ёшга тўлганда;

ж) дастгоҳлар ва машиналарда ишлайдиган тўқимачилик ишлаб чиқариши ходимлари — СССР Министрлар Совети белгилаб берадиган тартибда тасдиқланадиган ишлаб чиқаришлар ва касблар рўйхати бўйича — мазкур ишлардаги стажи камида 20 йил бўлиб, 50 ёшга тўлганда.

Корхоналар ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағдан СССРнинг пенсия жамғармасига ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўзда тутилган пенсия ёшига етгунга қадар ушбу модданинг «б» ва «в» бандларига мувофиқ ходимларга ҳақ тўлаш учун сарф-харажатларнинг 1991 йилда тайинланган пенсияларнинг 50 фоизини, 1992 йилда тайинланадиган пенсияларнинг 60 фоизини, 1993 йилда тайинланадиган пенсияларнинг 70 фоизини, 1994 йилда тайинланадиган пенсияларнинг 80 фоизини 1995 йилда тайинланадиган пенсияларнинг 90 фоизини ва 1996 йилда тайинланадиган пенсияларнинг 100 фоизини қоплайдиг миқдорда ҳақ ўтказадилар.

1996 йилдан бошлаб ушбу модданинг «б» ва «в» бандларига мувофиқ пенсия тайинлаш ва тўлашни кор-

(Давоми иккинчи бетда).

* Бундан кейин қарилик пенсияси деб аталади.

** Бундан кейин бошқача тартиб писанда қилинмаган бўлса, корхона ва ташкилотлар деб аталади.

Республикамиз бўйлаб

ДАСТГОҲЛАР ЯНГИЛАНДИ

● Марғилон ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг учинчи пилакашлик цехи коллективи май ойи план-топшириқларини муддатидан илгари уддалашди.

Цех жамоаси ўтган ойларда пландаги 57880 килограмм ўрнига 63198 килограмм сифатли хом ашё ишлаб чиқарди. Тайёрланган ипакнинг 64 фоизи биринчи навларга топширилди. Хом ашёдан оқилона фойдаланиш натижасида 2255 килограмм сараланган пилла иқтисод қилинди.

— Ишлаб чиқариш дастгоҳларини янгилаганимиз бизга қўл келяпти, — дейди корхона касаба уюшмаси комитетининг раиси С. Жўрабоева. — Японияда тайёрланган «Гунзе» дастгоҳларини ремонт қилмасдан тинимсиз ишлатаверганлигимиз туфайли улар анча эскириб кетган эди. Ҳозир мавжуд 15 та дастгоҳдан 10 тасини замонавий «КМ—90» пилла чувиш ускуналарига алмаштирдик. Эндиликда янги дастгоҳлардан икки сменада унумли фойдаланяпмиз.

А. ҚУТБИДДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.
Фарғона области.

Ҳовли тўйлари

Урганчдаги 351-механизацийлашган монтаж-қурилиш кўчма колоннаси ишчилари А. Жуманиёзов, А. Абдураҳмонов, М. Раҳимовларнинг кўп йиллик орзуси ушалди. Яқинда уларга тантанали равишда шаҳар ижроия комитетининг якка тартибдаги уй-жой қурилиш бошқармаси ходимлари томонидан ер участкалари топширилди. Умуман, 22 урганчлик ўз ҳовлисига эга бўлди. Соҳиблар уй қуришга киришдилар.

— Шаҳримиз шу йилнинг ўзида 74 гектарга кенгаяди, — дейди бошқарма бошлиғи Қ. Полвонов. — Шунинг ҳисобига 800 кишини якка тартибдаги уй-жой билан таъминлаймиз. Турган гапки, бу катта ўсиш. Чунки ўтган уч йил мобайнида 1300 кишига ҳовли ажратилган эди. Лекин бу эҳтиёжни қоплямайди. Ҳали мингдан ортиқ онла навбатда турибди. Агар бизга шу йил режадаги яна 42 гектар ер ажратилса, аҳвол бирмунча ўнгланади.

Хоразмда ҳар қарич ер ҳисобда. Шаҳарликларга берилаётган ҳар гектар майдонни унинг атрофида жойлашган хўжаликлардан олиш осон кечмаяпти. Кўплаб муаммо ва қарама-қаршиликларга дуч келиняпти. Шунга қарамай, бу соҳада борган сари ижобий силжиш рўй бераётганлиги 2100 урганчлик онла ҳовлилик бўлгани ибратга моликдир. Вилоят ижроия комитети бу ишни изчил давом эттиришга бел боғлаган. Келгусида шаҳарга яна 450 гектар майдонни уй-жой қуриш учун ажратиш режалаштирилган. Демак, ҳовли тўйлари йилдан-йилга кўпайиб боради.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖИЗЗАХ. Тоғай Жунусов бошлиқ звено Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхозининг пешқадам коллективларидан. Ҳозир улар ҳар гектар майдондан 60 центнердан маккажўхори дони олиш учун курашмоқдалар.

1. Звенонинг моҳир механизатори Абдуваҳоб Ниёзов. 2. Парваришлаш пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССРда ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

хоналар ва ташкилотлар коллектив шартномада белгилаб қўйиладиган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадилар.

1996 йилгача бўлган даврда бошқа ишлаб чиқариш, касб ва лавозимдаги ходимларга муддатидан олдин бериладиган пенсиялар меҳнат шароитига қараб (лекин эркаклар камида 55 ёшга ва аёллар 50 ёшга тўлгандан кейин) иш жойларини аттестация қилиш натижаларига қараб, корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағи ҳисобидан тайинланиши мумкин, бу пенсия ходим ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўзда тутилган пенсия ёшига етгач тўлаш учун СССР пенсия жамғармасига ўтказилади.

Ушбу Қонун кучга киргунга қадар илгари амал қилган Қонунда кўзда тутилган меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда ишлаб келган шахсларнинг пенсия таъминоти тартиби ушбу Қонуннинг 127-моддаси билан белгиланади.

Имтиёзли пенсия таъминоти рўйхатлари («а» ва «б» бандлари) тўғри қўлланилишини ва корхоналарда ҳамда ташкилотларда иш жойларини аттестация қилиш сифатини назорат қилиб бориш, ана шу рўйхатларни такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш меҳнат шароити давлат экспертизаси идоралари зиммасига юклатилади. Меҳнат шароити давлат экспертизаси идоралари тўғрисидаги низом ҳамда иш жойларини аттестация қилиш тартиби СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

15-м о д д а. **Ерости ва очиқ кон ишларида банд бўлган ходимлар пенсия таъминотининг ўзига хос жиҳатлари**

Ерости ва очиқ кон ишларида кўмир, сланец, рудалар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, шахталар ва конларни қуришда тўла иш кунида бевосита банд бўлган ходимлар (кон-қутқарув қисмларининг шахсий состави ҳам шунга киради) — СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган ишлар ва касблар рўйхатига кўра, башарти улар ана шу ишлар билан камида 25 йил шуғулланган бўлсалар, ана шу ишлардаги етакчи касб ходимлари: конларни очиш билан шуғулланувчи кон ишчилари, проходкачилар, босимли болғаларда ишловчи забойщиклар, конлардаги маъдан қазиш машиналарининг машинистлари — агар улар ана шу ишларда камида 20 йил банд бўлган тақдирда ёшига қарамай пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Эркакларнинг ер ости ишларидаги стажи 10 йилдан кам бўлса ва аёлларнинг стажи 7 йилу 6 ойдан кам бўлса, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўзда тутилган пенсия ёши ана шу стажнинг ҳар бир тўла йили учун бир йил камайтирилади.

16-м о д д а. **Узоқ Шимол районларида ҳамда Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда ишлаган шахсларга пенсия**

Узоқ Шимол районларида камида 15 календарь йил ёки Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда камида 20 календарь йил ишлаган кишилар: эркаклар — иш стажи камида 25 йил бўлиб, 55 ёшга тўлганларида, аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, 50 ёшга тўлганларида пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Узоқ Шимол районларида ҳам, Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда ҳам ишлаган кишиларга Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойдаги ишнинг бир йили Узоқ Шимол районидаги ишнинг 9 ойига ҳисобланади.

Пенсия олиш ҳуқуқини аниқлаш чоғида ушбу моддага мувофиқ пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилинган кунгача амал қилиб келган СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган Узоқ Шимол районлари ва Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлар рўйхати қўлланилади.

17-м о д д а. **Уруш ногиронларига қарилик пенсияси**

СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш чоғида ярадор бўлиш, контузия ёки майиб бўлиш оқибатида, ёҳуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар:

эркаклар иш стажи камида 25 йил бўлиб, 55 ёшга тўлганларида;

аёллар — камида иш стажи 20 йил бўлиб, 50 ёшга тўлганларида пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

18-м о д д а. **Кўп болали оналарга ва болаликдан ногиронларнинг оналарига пенсиялар**

Бешта ва ундан кўпроқ фарзанд кўриб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар, ёшликдан ногирон болаларини ана шу ёшгача тарбиялаган оналар болаларга қараш учун кетган вақтни стажга қўшиб ҳисоблаганда (67-модданинг «ж» ва «з» бандлари) камида 20 йил ёки болаларга қараш учун кетган мазкур вақтни стажга қўшиб ҳисобламаганда камида 15 йил стажга эга бўлиб, 50 ёшга етганда қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган (119-модда) 16 ёшгача бўлган ногиронболалар ҳам болаликдан ногиронлар қаторига киритилади.

19-м о д д а. **Лилипутларга ва паканаларга пенсиялар**

Гипрофизар нанизм касалига учраган шахслар (лилипутлар) ҳамда танаси номутаносиб паканалар: эркаклар — иш стажи камида 20 йил бўлиб 45 ёшга тўлганларида, аёллар — иш стажи камида 15 йил бўлиб 40 ёшга тўлганларида пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

20-м о д д а. **Пенсияларнинг миқдори**

Қарилик пенсиялари иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида тайинланади (76-96-моддалар). Эркакларга 25 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўла йил учун ва аёлларга 20 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўла йил учун пенсия иш ҳақининг бир фоизи миқдорида кўпаяди.

Ушбу Қонун 14-моддасининг «а» бандида ва 15-моддасида кўзда тутилган ишларда банд бўлган ходимлар учун эркакларга имтиёзли шарт билан пенсия олиш ҳуқуқини берадиган 10 йилга қўшимча ва аёлларга 7 йил-у 6 ойга қўшимча ҳар бир йил учун пенсия иш ҳақининг бир фоизи миқдорида кўпаяди.

Қарилик пенсиясининг энг кам миқдори ССР Иттифоқи қонунида белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида белгиланади.*

Қарилик пенсиясининг ушбу моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган миқдори иш ҳақининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

21-м о д д а. **Иш стажи тўла бўлмаганда бериладиган пенсиялар.**

Тўла пенсия тайинлаш учун етарли иш стажи бўлмаган кишиларга (13-модда) иш стажи тўла бўлмаганда бериладиган пенсия иш стажига мутаносиб миқдорда (84-модда) қарилик пенсияси тайинланади, лекин у ижтимоий пенсиядан кам бўлмаслиги керак (120-модданинг «б» банди).

Иш стажи тўла бўлмаганда бериладиган пенсияни тайинлаш чоғида ушбу қонунда белгилаб қўйилган пенсияларни тайинлаш учун қарилик ва меҳнат пенсияларининг имтиёзли шартлари қўлланилмайди.

22-м о д д а. **Пенсияларга устамалар**

Қарилик пенсияларига, шу жумладан энг кам миқдорда белгиланган пенсияларга қуйидаги устамалар белгилаб қўйилади:

а) қарамоғида ишга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган ишламайдиган пенсионерларга (40, 41, 43 ва 44-моддалар), — оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига меҳнатга лаёқатсизлар тегишли тоифаси учун кўзда тутилган ижтимоий пенсия миқдорида;

б) 80 ёшга етган ёлғиз пенсионерларга, — уларга қараб туриш учун ижтимоий пенсия миқдорида (120-модданинг «б» банди). Бундан ёлғиз пенсионерлар тоифасига мансубликни пенсия тайинлаш комиссияси аниқлайди.

Ушбу модданинг «а» ва «б» бандларида кўзда тутилган устамалар айни бир вақтда берилиши мумкин.

Уруш ногиронларига қарилик пенсиялари «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР қонунида ҳақиқий хизматдаги аскарлар ва матросларидан уруш ногиронлари учун ногиронлик группаларига мувофиқ равишда белгиланган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдорига баравар кўпайтирилади.

Хизматни ҳаракатдаги армияда, партизан отрядларида ва қўшилмаларида ўтказган ҳарбий хизматчилардан иборат бошқа уруш қатнашчиларига, байналмилал бурчини бажариш чоғида жанговар ҳаракатларда қатнашган ҳарбий хизматчиларга ** қарилик пенсияси энг кам қарилик пенсиясининг 25 фоизи миқдорида оширилади.

23-м о д д а. **Пенсияларнинг қайси даврга тайинланиши**

Қарилик пенсиялари меҳнат қобилияти ҳолатидан қатъи назар умрбод тайинланади.

24-м о д д а. **Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби**

Ишчи ва мастер сифатида ишлаётган пенсионерларга, шунингдек колхозлар ва бошқа кооперативларнинг ана шундай меҳнат билан шуғулланаётган аъзоларига; қишлоқ жойларда мактаб ўқитувчилари, мактабгача, мактабдан ташқари ва бошқа болалар муассасаларида педагогика ходимлари бўлиб ишлаётган пенсионерларга, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларида ишлаётган тиббий ходимларга, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг шафқат ҳамшираларига; урушда қатнашган барча ишлаётган пенсионерларга қарилик пенсияси олаётган иш ҳақи (даромади) ҳисобга олинмай тўла миқдорда тўланади.

Ишлайдиган бошқа пенсионерларга қарилик пенсияси муддатли меҳнат шартномаси тузилган тақдирда оладиган иш ҳақи (даромади) ҳисобга олинмай тўла миқдорда тўланади.

Ногиронлик пенсиялари

25-м о д д а. **Пенсия тайинлаш шартлари**

Ногиронлик пенсиялари:

а) иш вақтида шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатида;

б) умумий касаллик (шу жумладан иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, болаликдан ногиронлик) оқибатида меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотишга олиб борган ногиронлик юз берган тақдирда тайинланади.

Ногиронлик пенсиялари ногиронлик: иш давридами, ишга келгунга қадарми ёки ишни тўхтатгандан кейинми — қачон содир бўлганидан қатъи назар тайинланаверади.

26-м о д д а. **Ногиронлик гуруҳлари**

Ногиронлар меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига қараб уч гуруҳга бўлинадилар.

Ногиронлик сабабларини ва гуруҳларини, шунингдек ногиронлик юз берган вақтни врачлик-меҳнат эксперт комиссиялари (ВМЭК) белгилайди, бу комиссиялар СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган врачлик меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги низом асосида иш олиб борадилар.

27-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи**

Иш вақтида шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик пенсияси (28-модда) иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик оқибатидаги ногиронлик пенсияси ногиронлик юз берган пайтгача қуйидагича иш стаж бўлган тақдирда тайинланади:

иш стажи (йил)
23 ёшгача тўлгунча 1
23 ёшдан 26 ёшга тўлгунча 2
26 ёшдан 31 ёшга тўлгунча 3
31 ёшдан 36 ёшга тўлгунча 5
36 ёшдан 41 ёшга тўлгунча 7
41 ёшдан 46 ёшга тўлгунча 9
46 ёшдан 51 ёшга тўлгунча 11
51 ёшдан 56 ёшга тўлгунча 13
56 ёшдан 61 ёшга тўлгунча 14
61 ёш ва ундан кекса 15

Агар тегишли ёш гуруҳи учун зарур иш стажига эга бўлинса ва кейинги ёш гуруҳига ўтиш даврида иш давом эттирилса, навбатдаги ёш гуруҳи учун қўйилган талаблардан қатъи назар, стаж тўғрисидаги шарт бажарилган ҳисобланади.

20 ёшга тўлгунга қадар иш даврида ёки иш тугагандан сўнг умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган кишиларга пенсия иш стажи қанчалигидан қатъи назар тайинланаверади.

Иш вақтида шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик оқибатидаги ногиронлик пенсиясига ўтиш чоғидаги зарур стаж дастлабки ногиронлик белгиланган даврдаги ёшга қараб аниқланади.

28-м о д д а. **Иш вақтида шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик**

Агар ногиронликни келтириб чиқарган бахтсиз ҳодиса (ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ташқари) қуйидаги ҳолларда юз берган тақдирда ногиронлик иш вақтида шикастланиш оқибатида юз берган деб ҳисобланади:

а) меҳнат вазифаларини бажариш чоғида (шу жумладан командировка даврида), шунингдек махсус топшириқ бўлмаса ҳам корхона ёки ташкилот манфаатлари йўлида қилинган бирор ҳаракат чоғида;

б) ишга бораётган ёки ишдан қайтаётган пайтда йўлда;

в) корхона, ташкилот территориясида ёки бошқа иш жойида иш вақти давомида (шу жумладан белгилаб қўйилган танаффус чоғида), иш қуроллари, кийимлар ва бошқаларни тартибга келтириш учун зарур вақт давомида, ишни бошлашдан олдин ёки иш тугагандан кейин;

г) иш вақти (белгилаб қўйилган танаффус ҳам шунга киради) давомида корхона, ташкилот ёки ўзга иш жойи яқинида (ўша ерда бўлиш ички меҳнат тартиби қоидасига зид келмаса;

д) давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш пайтида, шунингдек ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларига, мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатга олинган совет идоралари, партия, касаба союз ёки бошқа жамоат ташкилотларининг топшириқларини бажарган вақтда, гарчи бу топшириқлар асосий иш билан боғланган бўлмаса ҳам;

е) инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат, жамоа мулкини, СССР гражданларининг мулкини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш чоғида СССР граждани бурчини бажариш вақтида.

Касб касалликларининг рўйхати СССР Министрлар Совети белгилаган тартибда тасдиқланади.

29-м о д д а. **Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган совет гражданларига тўланадиган пенсиялар**

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган, СССРда ишламаган Совет гражданларига пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) иш вақтида шикастланганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик юз берган вақтида — иш стажидан қатъи назар;

б) умумий касаллик оқибатидаги ногиронлик бўйича — ногиронлик белгиланган кунгача ёш жиҳатидан зарур иш стажи бўлган тақдирда.

30-м о д д а. **Ўқувчиларга тўланадиган пенсиялар**

Ўқув юртига, курсга, аспирантура ёки клиника ординатурасига киргунига қадар ишламаган олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, билим юртларининг, кадрлар тайёрловчи мактаблар ва курсларнинг ўқувчиларига, аспирантларга ва клиника ординаторларига пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёҳуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳолларда — ўқув юртида, курсларда, аспирантурада ёки клиника ординатурасида қанча вақт бўлганидан қатъи назар.. Бунда иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёҳуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолишга давлат ёки жамоат бурчларини ёки маъмуриятнинг, совет идораларининг, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатга олинган партия, касаба союз ёки бошқа жамоат ташкилотларининг топшириқларини бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат, коллектив мулкини, СССР гражданларининг мулкини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасида СССР граждани бурчини бажариш муносабати билан юз берган ногиронлик тенглаштирилади;

б) умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳолларда — агар ўқувчи, аспирант ёки клиника ординатори ўқув юртида, курсларда, аспирантурада ёки клиника ординатурасида ушбу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган тегишли муддат давомида таълим олган бўлса.

Умумий таълим мактаблари ўқувчиларига пенсиялар ишлаб чиқариш таълими, практикаси ёки амалий машғулотларни ўташ билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган тақдирда қанча вақт таълим олганлигидан қатъи назар тайинланади.

31-м о д д а. **Пенсияларнинг миқдори**

Ногиронлик бўйича пенсиялар қуйидаги миқдорларда тайинланади: I ва II гуруҳ ногиронларига — иш ҳақининг 55 фоизи, 3 гуруҳ ногиронларига — иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида (76 ва 96 моддалар).

Агар I ва II гуруҳ ногиронлари қарилик пенсияси, шу жумладан, имтиёзли шартлар билан пенсия тайинланиш учун зарур меҳнат стажига эга бўлсалар, ногиронлик пенсияси тегишли иш стажи бўлган тақдирда қарилик пенсияси миқдорида тайинланади.

Энг кам миқдордаги пенсиялар: I ва II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, III гуруҳ ногиронларига — 50 фоиз миқдорида тайинланади.

32-м о д д а. **Иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолларда тайинланадиган пенсиялар**

Умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган, тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронларига (27-модда) иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолда ногиронлик пенсияси мавжуд стажга мутаносиб, аммо тегишли тарзда I ва II гуруҳ ногиронларига белгиланган ижтимоий пенсиядан (120-модда) кам бўлмаган миқдорда тайинланади.

33-м о д д а. **Ўқувчилар пенсияларининг миқдори**

Ўқув юртига, курсларга аспирантурага ёки клиника ординатурасига киришдан олдин ишламаган олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, билим юртларининг, кадрлар тайёрловчи мактаблар ва курсларнинг ўқувчиларига, аспирантлар ва клиника ординаторларига, умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига улар иш вақтида шикастланиш ёки ишлаб чиқариш таълими ёҳуд практикасини ўташ билан боғлиқ касб касалликлари оқибатида ногирон бўлсалар, ногиронлик пенсияси ушбу Қонуннинг 31-моддасида кўзда тутилган миқдорда тайинланади.

34-модда. **Гражданлик бурчини бажариш чоғида ногирон бўлиб қолган шахсларга тайинланадиган пенсияларнинг миқдори**

Давлат ёки жамоат бурчини бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат мулкини, коллектив мулкини, СССР гражданларининг мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги СССР граждани бурчини бажариш муносабати билан ногирон бўлиб қолган шахсларга (3-моддаининг «а» «е» ва «з» бандларида кўрсатилмаган) пенсиялар ушбу Қонуннинг 31-моддасида белгиланган миқдорда тайинланади.

35-м о д д а. **Пенсияларга устамалар**

Ногиронлик пенсияларига, шу жумладан энг кам миқдорда ҳисобланган пенсияларга қуйидаги устамалар белгиланади:

а) қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган, ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларига — оиланинг ишга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун (40, 43 ва 44-моддалар) меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг тегишли тоифалари учун кўзда тутилган ижтимоий пенсия миқдорида;

б) ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган I гуруҳ ногиронларига (кўзи ожиз I гуруҳ ногиронларидан ташқари), шунингдек, бошқа бировни ёрдамига муҳтож бўлган II гуруҳ ёлғиз ногиронларга, уларга қараб туриш учун ижтимоий пенсия миқдорида (120-моддаининг «а» банди; кўзи ожиз I гуруҳ ногиронларига — уларга қараб туриш учун 120-моддаининг «а» бандида кўзда тутилган ижтимоий пенсия миқдорида.

Ушбу моддаининг «а» ва «б» бандларида кўзда тутилган устамалар бир вақтнинг ўзида берилиши мумкин.

Боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда бериладиган пенсиялар

40-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари**

Вафот этган боқувчининг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари (41-модда) боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда пенсия фарзандларга улар боқувчининг қарамоғида бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар тайинланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган ота-онаси ва турмуш ўртоғи башарти улар тириклик манбаидан маҳрум бўлсалар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) 18 ёшга етмаган фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар ёки 18 ёшга етмасдан ногирон бўлиб қолганлар ёки ундан катта ёшдагилар. Бунда ўзларининг меҳнатга лаёқатли ота-оналари бўлмаган ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар эътиборга олинади;

б) ота, она, хотин, эр, агар улар пенсия ёшига: эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга етган бўлса ёки ногирон бўлса;

в) ота ёки она, эри ёки хотин ёки бува, бувн, акаука ёки опа-сингил ёшидан ва меҳнатга лаёқатли эканидан қатъи назар, агар у вафот этган боқувчининг 8 ёшга етмаган фарзандлари, укалари, сингиллари ёки набираларини боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва бувн — қонунга мувофиқ уларни боқишга мажбур бўлган кишилар бўлмаган тақдирда.

Ҳунар-техника билим юртларининг, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг ўқувчилари мазкур ўқув юртларини тугатмагунча, аммо 23 ёшга етгунча боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан бериладиган пенсияни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига таалуқли ҳамма қоидалари (бундан бошқача қоида белгиланмаган бўлса) агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам жорий этилади.

41-м о д д а. **Оиланинг қарамоғида деб ҳисобланувчи аъзолари**

Вафот этган кишининг оила аъзолари, агар тўла-тўкис унинг боқувида турган бўлсалар ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий тирикчилик манбаи бўлган бўлса, унинг қарамоғидаги кишилар деб ҳисобланадилар.

Вафот этган кишининг оила аъзолари учун унинг ёрдами доимий ва асосий тирикчилик манбаи бўлсаю аммо уларнинг ўзлари бирон бир пенсия олиб турган бўлсалар, янги пенсияга ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

42-м о д д а. **Тўла давлат таъминотида бўлган фарзандларга боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсия тўлаш**

Ота-онаси бўлмаган фарзандларга тўла давлат таъминотида бўлган даврда пенсиялар тўла миқдорда тўланади.

Тўла давлат таъминотида бўлган бошқа фарзандларга тайинланган пенсиянинг 25 фоизи тўланади.

43-м о д д а. **Асраб олувчилар асрандиларнинг пенсия олиш ҳуқуқи**

Асраб олувчилар ота-оналар билан тенг, асрандилар эса ҳақиқий фарзандлар билан тенг пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган балоғатга етмаганлар асраб олинган тақдирда ҳам шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

44-м о д д а. **Ўгай ота ва ўгай онанинг, ўгай ўғил ва ўгай қизнинг пенсия олиш ҳуқуқи**

Ўгай ота ва ўгай она агар вафот этган асранди ўғил ёки асранди қизни камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлса, ота ва она билан тенг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Агар ўгай ўғил ёки ўгай қиз ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар билан тенг пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

45-м о д д а. **Янги никоҳ тузилганида пенсиянинг сақланиб қолиши**

Эри ёки хотинининг вафоти муносабати билан тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳ тузган тақдирда ҳам сақланиб қолади.

46-м о д д а. **Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи**

Иш вақтида шикастланиш ёки касб касалига чалиниш оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек вафот этган пенсионернинг оиласига боқувчининг иш стажидан қатъи назар пенсия тайинланади.

Иш билан боғлиқ бўлмаган умумий касаллик ёки майиб бўлиш оқибатида вафот этган боқувчисидан маҳрум бўлиш муносабати билан пенсия, агар боқувчи вафот этган кунигача ногиронлик пенсияси тайинлаш учун унга зарур стажга эга бўлган тақдирда тайинланади (27-модда).

Ўқув юртига, курсларга, аспирантурага ёки клиник ординатурага киргунича ишламаган ўқувчилар, аспирантлар ва клиника ординаторларининг оилаларига пенсиялар мазкур ўқувчилар, аспирантлар ва клиника ординаторларига ногиронлик пенсиялари қайси асосда тайинланадиган бўлса, шу асосда тайинланади (30-модда).

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган совет гражданларининг оилаларига, агар боқувчи СССРда ишламаган бўлса пенсиялар:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия олганларга — боқувчининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаганларга — агар боқувчиси ишни тўхтатган кунигача ёшига кўра тегишли стажга эга бўлса (27-модда), у кейинчалик меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида вафот этган бўлса — боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланаверади.

47-м о д д а. **Пенсияларнинг миқдорлари**

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик муносабати билан пенсиялар оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун боқувчи иш ҳақининг 30 фоизи (76 ва 96-моддалар), лекин меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган ижтимоий пенсиядан кам бўлмаган миқдорларда тайинланади.

Ота-онасидан маҳрум бўлган фарзандларга (тўла етимларга) ёки вафот этган ёлғиз онанинг фарзандларига пенсия ҳар бир бола учун ижтимоий пенсиянинг икки ҳисса миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

48-м о д д а. **Ота-онасиз етимлар пенсияларини ҳисоблаш**

Ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган болалар бор оилаларга пенсия ҳам ота, ҳам она иш ҳақининг умумий миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади.

49-м о д д а. **Иш стажи тўла бўлмаган тақдирда тайинланадиган пенсиялар**

Ногиронлик учун тўла пенсия тайинлашга етарли иш стажи бўлмаган (27-модда) ва умумий касаллик оқибатида вафот этган боқувчисидан маҳрум бўлган оиланинг аъзоларига иш стажи тўла бўлмаган ҳолдаги пенсия боқувчининг мавжуд иш стажига мутаносиб миқдорда тайинланади.

Стажи тўла бўлмаган ҳолда пенсия олиб келган пенсионерлар вафот этган тақдирда уларнинг оилаларига, оламдан ўтган боқувчига пенсия тайинлашга асос бўлган иш стажига мувофиқ келадиган пенсия тайинланади.

Бунда оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига тайинланадиган пенсия меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ижтимоий пенсиядан кам бўлмаслиги керак.

50-м о д д а. **Ўқувчилар оилаларига тўланадиган пенсияларнинг миқдори**

Ўқув юртига, курсларга, аспирантура ёки клиник ординатурага кириш ишламаган олий, ўрта махсус ўқув юртлари, билим юртлари, кадрлар тайёрлаш мактаблари ва курслари ўқувчиларининг, аспирантлар ва клиника ординаторларининг оилаларига ушбу Қонуннинг 47-моддасида белгиланган миқдорда пенсия тайинланади.

51-м о д д а. **Гражданлик бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган шахсларнинг оилаларига тайинланадиган пенсияларнинг миқдори**

Давлат ёки жамоат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ёки инсон ҳаётини сақлаб қолиш, давлат мулкини, коллектив мулкини, СССР гражданларининг мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш юзасидан СССР граждани бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган (ушбу Қонун 3-моддасининг «а» — «е» ва «з» бандларида кўрсатилмаган) шахсларнинг оилаларига ушбу Қонуннинг 47-моддасида белгиланган миқдорда пенсиялар тайинланади.

52-м о д д а. **Пенсионерларнинг оилаларига тайинланадиган пенсиялар миқдори**

Вафот этган пенсионерларнинг оилаларига пенсиялар ушбу Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган гражданларнинг оилаларига белгиланган миқдорда тайинланади.

53-м о д д а. **Муддати чекланмаган пенсия тўлашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсия ҳуқуқига эга бўлган оила боқувчиси оламдан ўтгандан кейин ёки унинг қаердалиги номаълум эканлиги аниқланган, ҳеч қандай муддат билан чекланмай, исталган вақтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсия:

а) ушбу Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган гражданларнинг оилаларига боқувчиси қачон вафот этганидан; иш (ўқиш) даврида ёки ишни (ўқишни) тўхтатгандан кейин — бунисидан қатъи назар;

б) пенсионерларнинг оилаларига — агар боқувчи пенсия олаётган даврда ёки пенсия тўлаш тўхтатилгандан кейин 5 йил ўтмай туриб оламдан ўтган бўлса тўланаверади.

54-м о д д а. **Пенсиянинг қайси даврга тайинланиши. Пенсия миқдорининг ўзгариши**

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсия вафот этган одамнинг оила аъзоси ушбу Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, меҳнатга лаёқатсиз, деб ҳисобланадиган бутун даврга, оиладаги ёши 60 га етган эркакларга ва 55 га етган аёлларга умрбод тайинланади.

Пенсия миқдорини ўзгартириш ёки оила аъзоларига пенсия тўлашни тўхтатиш ёки пенсия тўлашни тўхтатишни тақозо этувчи вазият юз берган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан амалга оширилади.

55-м о д д а. **Оиланинг ҳамма аъзоларига битта пенсия тайинлаш. Пенсия улушини ажратиш**

Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оиланинг барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талабига мувофиқ, унинг пенсиядаги улуши ажратиб берилади ва унга алоҳида тўланади.

Пенсиядаги улушини ажратиш пенсияни ажратиш ҳақидаги ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан амалга оширилади.

56-м о д д а. **Оила аъзолари сони ўзгарган чоғда пенсиянинг миқдори**

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсия билан таъминланувчи оила аъзоларининг сони ўзгарган чоғда пенсия шунга мувофиқ равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг сонига қараб кўпаяди ёки камаяди.

Оила аъзоларидан бирига пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилган ёки пенсия тўлашнинг тўхтатилишига сабаб бўлган вазият ўтиб кетиши билан пенсия тўлаш қайта бошланган пайтда пенсия қайта кўриб чиқилади.

57-м о д д а. **Оила аъзолари ногиронлигини белгилаш тартиби ва муддатлари**

Оиланинг ногирон аъзоларига нисбатан ушбу Қонуннинг 26, 36, 37-моддалари ва 38-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар жорий этилади.

58-м о д д а. **Иш ҳақи ёки бошқа даромадларга қарамай пенсия тўлаш**

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсия пенсионернинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан қатъи назар тўла миқдорда тўланади.

Кўп йиллик хизмат учун тўланадиган пенсия умумий шартлар

59-м о д д а. **Кўп йил хизмат қилгани учун пенсия таъминоти асослари**

Кўп йил хизмат қилгани учун пенсия таъминоти касбга доир меҳнат қобилиятини ёки қарилик пенсиясини олиш ҳуқуқини берадиган ёшга етгунга қадар меҳнат лаёқатини йўқотишга олиб борадиган ишларда банд бўлган гражданларнинг айрим тоифалари учун белгиланади.

(Давоми учинчи бетда).

---

*Бундан буён энг кам иш ҳақи деб юритилади.

** Бундан буён уруш қатнашчиси деб юритилади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССРда ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

60-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар**

Кўп йил хизмат қилгани учун тайинланадиган пенсияни олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

авиация ва учиш-синаш состави ходимларининг айрим тоифалари;

темир йўл транспорти ва метрополитендаги локомотив бригадаларининг ишчилари ҳамда ташишини бевосита ташкил этувчи ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи ходимларнинг айрим тоифалари;

шахталарда, конларда, очиқ конларда ва руда конларида кўмир, сланец, маъдан, тупроқ ташишда бевосита банд бўлган юк автомобилларнинг ҳайдовчилари;

портлардаги юк ортиш-туширишишларида банд бўлган комплекс бригадаларнинг, шунингдек денгиз, дарё флоти ва балиқ саноати флоти сузувчи составининг (порт акваториясида доимий ишлайдиган порт кемалари, хизмат-ёрдамчи, қатнов, шаҳар атрофи ва шаҳар ичи йўлларида юрадиган кемалардан ташқари) механизаторлари (докер-механизаторлар);

дала геология-қидирув, изланиш, топография-геодезия, геофизика, география, гидрология, ўрмон тузилиши ва излаш ишларида бевосита банд бўлган экспедициялар, партиялар, отрядлар, участкалар ва бригадаларнинг ходимлари;

ёғоч тайёрлаш ва оқизиш билан бевосита банд бўлган, шу жумладан механизмлар ва ускуналарга хизмат қилишда банд бўлган ишчилар ва мастерлар (шу жумладан катта мастерлар);

баланд тоғ яйловларида ҳамда сувсиз чўл районларида банд бўлган чўпонлар, Чекка Шимол районларидаги буғучилар;

театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари ва коллективларининг баъзи тоифалари.

61-м о д д а. **Пенсиялар миқдори**

кўп йил хизмат қилгани учун пенсиялар ушбу Қонуннинг 20- ва 22-моддаларида қарилик учун белгилаб қўйилган пенсиялар миқдорида тайинланади.

Пенсия кўп йил хизмат қилгани учун пенсия олиш ҳуқуқини берадиган (63—65 моддалар), ишни тўхтатишдан олдин олинган ўртача ойлик иш ҳақига (76—81, 83—96-моддалар) қараб ҳисобланади.

62-м о д д а. **Иш даврида пенсия тўлаш тартиби**

Кўп йил хизмат қилгани учун пенсия иш даврида ушбу Қонуннинг 24-моддасида кўзда тутилган тартибда тўланади.

Авиация ва учиш-синаш состави ходимлари айрим тоифаларининг кўп йил хизмат қилгани учун пенсиялари

63-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар**

Авиация, шунингдек учиш-синаш состави ишчилари ва хизматчиларининг қуйидаги тоифалари улар банд бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, кўп йил хизмат қилгани учун пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар:

а) учиш ва учиш-синаш составининг ходимлари кўрсатилган лавозимда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил хизмат қилган тақдирда.

Мазкур ходимлар саломатлиги (касаллиги) туфайли учиш ишларидан бўшатилган бўлсалар, эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил хизмат қилган бўлсалар, улар ишлаб берган вақтларига мувофиқ равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Учиш состави ходимлари лавозимларининг рўйхати уларга пенсия тайинлаш учун кўп йил хизмат қилганлигини ҳисоблаб чиқариш тартиби, шунингдек учиш-синаш составига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланади;

б) самолётларнинг учишини бошқариб турувчи, диспетчер гувоҳномасига эга бўлган ходимлар:

эркаклар — 55 ёшга етганда ва камида 25 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 12 йилу 6 ойи ҳаво кемалари учишини бошқариш билан бевосита боғлиқ иш бўлса;

аёллар — 50 ёшга етганда ва камида 20 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 10 йили ҳаво кемалари учишини бошқарувчи ходимларнинг кўп йиллик хизмати муддатига қўшилади;

в) инженер-техниклар состави — СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланадиган лавозимлар ва ишлар рўйхати бўйича: эркаклар 55 ёшга етганда ва граждан авиациясида камида 25 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 20 йили мазкур лавозимларга тўғри келса;

аёллар — 50 ёшга етганда ва граждан авиациясида камида 20 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 15 йили мазкур лавозимларга тўғри келса.

Ушбу модданинг «а» ва «б» бандларида кўрсатилган иш ҳам инженер-техник состави ходимларининг кўп йиллик хизмати муддатига қўшилади;

г) самолётнинг эркак проводниклари — 55 ёшга етганда ва камида 25 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 15 йилида самолёт проводниги бўлиб ишлаган бўлса;

самолётнинг аёл проводниклари — 45 ёшга етганда ва камида 20 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 10 йили самолёт проводниги бўлиб ишлаган бўлса;

Халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги ходимлар айрим тоифаларининг кўп йил хизмат қилгани учун пенсиялар

64-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар**

Қуйидагилар кўп йил хизмат қилгани учун пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар:

а) темир йўл транспорти ва метрополитенларда локомотив бригадаларининг ишчилари ҳамда ташишни бевосита ташкил этувчи ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи ходимларнинг айрим тоифалари — СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланадиган касблар ва лавозимлар рўйхати бўйича;

шахталарда, руда конларида, очиқ конларда, руда карьерларида кўмир, сланец, маъдан, тупроқни ташиб чиқишдаги технология жараёнида бевосита банд бўлган юк автомобилларининг ҳайдовчилари;

эркаклар — 55 ёшга етганда ва камида 25 йил умумий иш стажига эга бўлса, шундан камида 12 йилу 6 ойи мазкур ишга тўғри келса;

аёллар — 50 ёшга етганда, умумий иш стажи 20 йил бўлса, шундан 10 йили мазкур ишга тўғри келса;

б) геология-разведка, қидириш, топография-геодезия, геофизика, гидрография гидрология, ўрмон тузилиши ва қидирув ишларида бевосита банд бўлган экспедициялар, партиялар, отрядлар, участкалар ва бригадаларнинг ходимлари:

эркаклар — 55 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлса, шундан камида 12 йил-у 6 ойи мазкур ишга тўғри келса;

аёллар — 50 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлса, шундан камида 12 йил-у 6 ойи мазкур ишга тўғри келса;

в) бевосита ёғоч тайёрлаш ва ёғоч оқизишда банд бўлган, жумладан механизм ва ускуналарга хизмат қилиш билан машғул бўлган ишчилар ва мастерлар (шу жумладан катта мастерлар) — СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланадиган касблар, лавозимлар ва ишлаб чиқаришлар рўйхатига мувофиқ;

эркаклар — 55 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлса, шундан камида 12 йил-у 6 ойи мазкур ишга тўғри келса;

аёллар 50 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 20 йил бўлса, шундан камида 10 йили мазкур ишга тўғри келса;

г) портлардаги юк ортиш-туширишишларида комплекс бригадаларнинг механизаторлари (докер-механизаторлар): эркаклар — 55 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлса, шундан камида 20 йили мазкур ишга тўғри келса;

аёллар 50 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 20 йил бўлса, шундан камида 15 йили мазкур ишга тўғри келса;

д) денгиз, дарё флоти ва балиқ саноатининг (порт атрофида, хизмат-ёрдамчи, тарқатиш, шаҳар атрофи ва шаҳар ичидаги қатновда доимий ишлайдиган порт кемаларидан ташқари) сузиш ходимлари:

эркаклар — 55 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлса, шундан камида 12 йил-у 6 ойи мазкур ишга тўғри келса;

аёллар — 50 ёшга етганда ва умумий иш стажи камида 20 йил бўлса, шундан камида 10 йили мазкур ишга тўғри келса;

е) баланд тоғ (2000 метрдан юқори) яйловларида, шунингдек сувсиз чўл районларида банд бўлган чўпонлар:

эркаклар — 55 ёшга етганда ва мазкур ишдаги стажи камида 25 йил бўлса;

аёллар — 50 ёшга етганда ва мазкур ишдаги стажи камида 20 йил бўлса;

ж) Узоқ Шимол районларида буғучилар

эркаклар — 50 ёшга етганда ва мазкур ишдаги стажи камида 25 йил бўлса;

аёллар — 45 ёшга етганда ва мазкур ишдаги стажи камида 20 йил бўлса.

Театрларнинг ҳамда бошқа театр-томоша корхоналари ва коллективларининг баъзи тоифадаги артистларига кўп йиллик хизмати учун пенсиялар

65-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар**

Театрлар ҳамда бошқа театр-томоша корхоналари ва коллективларининг 20 йилдан 30 йилгача ижодий фаолият стажига эга бўлган баъзи тоифадаги артистлари СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ муайян муддат хизмат қилганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

66-м о д д а. **Ҳарбий хизматни муайян муддат қилинган хизматга қўшиш шартлари**

Театрлар, бошқа театр-томоша корхоналари ва коллективлари артистларининг ихтисоси бўйича ҳарбий хизмат вақти уларнинг ижодий иш стажига қўшилади, бунда муайян муддат хизмат қилганлик учун пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган стажнинг камида учдан икки қисми шу пенсиясияга ҳуқуқ берувчи лавозимлардаги ишга тўғри келиши шарт.

Меҳнат пенсиялари тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқариш

67-м о д д а. **Иш стажига ҳисобланадиган меҳнат фаолиятининг турлари**

Меҳнат шартномаси асосида корхоналарда, муассасаларда, ташкилотлар ва кооперативларда бажарилган, фойдаланилган мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, шунингдек колхозлардаги ҳамда бошқа кооператив ташкилотлардаги аъзолик асосида, ишнинг характери ва давомийлигидан ҳамда танаффусларнинг узунлигидан қатъи назар, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Колхозда 1965 йилдан кейинги даврдаги иш стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида, агар колхоз аъзоси жамоат хўжалигидаги меҳнат иштироки белгиланган минимумини узрли сабабларсиз бажармаган бўлса, ҳақиқатда ишлаган вақти ҳисобга олинади.

Қуйидагилар ҳам иш стажига ҳисобланади:

а) ходим давлат ижтимоий суғурта қилиниши лозим бўлган бошқа ҳар қандай иш;

б) ушбу Қонуннинг 3-моддаси «в» бандида кўзда тутилган шахсларнинг ижодий фаолияти. Бунда СССР Ёзувчилар уюшмаси, СССР Рассомлар уюшмаси, СССР Композиторлар уюшмаси, СССР Кинематографчилар уюшмаси, СССР Театр арбоблари уюшмаси аъзоларининг, ижодий уюшмаларнинг аъзолари бўлмаса ҳам, тегишли касб комитетларига бирлашган бошқа ижодий ходимларнинг ушбу Қонун кучга киритилгунча бўлган ижодий фаолияти, суғурта бадалларини тўлагани ёки тўламаганидан қатъи назар, иш стажига қўшилади. Бу ҳолларда ижодий фаолият стажи СССР ёки иттифоқдош республикалар ижодий уюшмалари бошқармаларининг котибиатлари томонидан мазкур муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи бор кўпчилик ўртасида ижро этилган ёҳуд кўпчиликка кўрсатилган кундан бошлаб белгиланади;

в) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларидаги ва ички ишлар органларидаги хизмат;

г) ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги хизмат, махсус алоқа органларидаги ва тоғлардаги қутқарув қисмларидаги хизмат, улар қайси идорага бўйсунишидан ва махсус ёки ҳарбий унвони бор-йўқлигидан қатъи назар;

д) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, мактабларда ва кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ҳамда бошқа касбни ўрганиш курсларида, аспирантура, докторантурада ва клиника ординатурасида таълим олиш;

е) иш даврида бошланган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги;

ж) I группа ногиронларини ёки 16 ёшгача ногирон болаларни, шунингдек 80 ёшга етган кексаларни парвариш қилиш вақти;

з) ишламайдиган онанинг кичик ёшдаги болаларни боқиш вақти, аммо ҳар бир бола уч ёшга етгунча, ҳамма бўлиб 6 йил доирасида;

и) офицерлар, прапорщиклар, мичманлар ва муддатидан ортиқча хизматдаги ҳарбий хизматчилар хотиналарининг ўз ихтиёсоси бўйича ишга жойлашиш имконияти бўлмаган жойларда эри билан бирга яшаган даври, аммо кўпи билан 10 йилгача.

Қарилик пенсиясининг миқдори ҳар йилги иш учун кўпайиб борган тақдирда (20-модда) иш билан бирга ушбу модданинг «б»—«з» бандларида ҳамда ушбу Қонуннинг 68—70, 72 ва 73 моддаларида кўзда тутилган даврлар ҳам ҳисобга олинади. Қарилик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти, агар пенсионер шу даврда пенсия олмаган бўлса, шу даврдаги иш вақти стажга қўшилади.

Имтиёзли шартлар билан қарилик пенсияси олиш ҳуқуқини берадиган ер ости иши стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида (15-модда) шу ишда ишлаётиб майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатидаги ногиронлик вақти мазкур стажга қўшилади.

Ушбу Қонуннинг 14 ва 15-моддаларига биноан имтиёзли шартлар билан пенсия тайинлаш чоғида ҳамда мазкур Қонуннинг 64-моддасига биноан муайян муддат хизмат қилганлик учун пенсиялар тайинлаш чоғида, агар шу моддаларда кўзда тутилган ишлар айнан шундай ёки имтиёзлироқ шартлар билан пенсия олиш ҳуқуқини берса, бу иш даврлари ўзаро ҳисобга олинади.

68-м о д д а. **Фронтда бўлган вақти учун стажни ҳисоблаб чиқаришдаги имтиёзлар**

Жанговар ҳаракатлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги, шу жумладан байналмилал бурчни бажариш пайтидаги ҳарбий хизмат, шунингдек партизан отрядларида ва қўшилмаларида бўлиш ҳарбий хизматчиларга муайян вақт ишлаганлик учун пенсия тайинлаш пайтида шу хизматнинг муддатларини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган тартибда имтиёзли шартлар билан стажга қўшиб ҳисобланади.

69-м о д д а. **Оқланган фуқаролар учун имтиёзлар**

Асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағонга учраган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда сақланган вақти, озодликдан маҳрум этиш ва сургун қилиш жойларида жазони ўтаган вақти стажга уч ҳисса ошириб ёзилади.

70-м о д д а. **Улуғ Ватан уруши даврида мамлакат ичкариси меҳнатчиларининг иш стажини ҳисоблаб чиқаришдаги имтиёзлар**

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий қисмлардаги иш, шу жумладан эркин ёлланиб, бажарилган иш ҳамда ушбу Қонуннинг 68-моддасида кўзда тутилган ҳарбий хизматдан ташқари хизмат стажга икки ҳисса ошириб ёзилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград шаҳри қамалда бўлган даврда 1941 йил 8 сентябридан 1944 йил 27 январига қадар шу шаҳардаги иш стажга уч ҳисса ошириб ёзилади.

71-м о д д а. **Узоқ Шимолдаги ва Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлардаги иш вақтини стажга қўшиш тартиби**

Узоқ Шимол районларидаги ҳамда Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлардаги иш пенсия тайинлаш учун бир йиллик иш бир йилги стаж тарзида ҳисоблаб, иш стажига қўшилади.

72-м о д д а. **Моҳовхоналардаги ва вабога қарши муассасалардаги иш учун имтиёзлар**

Моховхоналардаги ва вабога қарши кураш муассасаларидаги иш стажга икки ҳисса ошириб ёзилади.

73-м о д д а. **Айрим турдаги ишларни стажга қўшиш тартиби**

Сув транспортида тўла навигация (қатнов) даври мобайнидаги иш бир йиллик иш деб ҳисобланади.

Мавсумий саноат тармоқларининг корхона ва ташкилотларида тўла мавсум мобайнидаги иш, мазкур корхона ва ташкилотлар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган рўйхатга мувофиқ стажга бир йиллик иш деб ёзилади.

Бошқа мавсумий ишлар ҳақиқатда қанча давом этганига қараб иш стажига қўшилади.

74-м о д д а. **Иш стажини тасдиқлаш тартиби**

Иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат меҳнат дафтарчасидир. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда мавжуд меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

75-м о д д а. **Хорижий фуқароларнинг чет элларда ишлаган вақтини уларнинг иш стажига қўшиш шартлари**

Хорижий фуқаролар ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш учун муайян стаж талаб қилинган ҳолларда зарур стажнинг учдан икки қисми СССРдаги ишга тўғри келган тақдирда пенсия тайинланади, агар битимларда бошқача шарт кўзда тутилмаган бўлса (118-модда).

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш

76-м о д д а. **Пенсияларни ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқариш**

Пенсиялар белгиланган нормаларга мувофиқ фуқаролар пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилишидан аввал олиб келган ва ушбу Қонуннинг 77—83-моддаларига мувофиқ белгиланадиган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун энг оз иш ҳақи миқдорининг ўн ҳиссасидан ошмайдиган миқдордаги иш ҳақи ҳисобга олинади. Иш ҳақининг энг оз иш ҳақи миқдори тўрт ҳиссасидан ошмайдиган қисми пенсия тайинлаш вақтида тўла ҳисобга олинади. Иш ҳақининг шундан кейинги ҳар бир қисми қуйидаги миқдорда ҳисобга олинади: энг оз иш ҳақининг бешинчи улуши доирасида —85 фоиз, олтинчи улуши доирасида—70 фоиз, еттинчи улуши доирасида — 55 фоиз, саккизинчи улуши доирасида—40 фоиз, тўққизинчи улуши доирасида — 25 фоиз, ўнинчи улуши доирасида — 15 фоиз. Шу тариқа ҳосил бўлган иш ҳақи пенсия ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи, деб ҳисобланади.

77-м о д д а. **Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби**

Ушбу Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган шахсларга (колхоз аъзоларидан ташқари) пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи пенсия тайинланишини сўраб мурожаат этишдан аввал сўнгги 15 йилдан (пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилган шахснинг раъйига қараб) ишдаги мавжуд узилишлардан қатъи назар, сурункасида исталган 5 йил олинади.

5 йиллик ўртача ойлик иш ҳақи сурункасига ишланган 60 календарь ойдаги (сўнгги 15 йил доирасидаги) иш ҳақининг умумий миқдорини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади. Шу билан бирга ишга кириш ёки бўшаш муносабати билан иш кунлари тўлиқ бўлмаган ойлар, пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилган шахснинг хоҳишига биноан, тўла иш ойлари, деб ҳисобланади.

Пенсия тайинланишини сўраб мурожаат этган шахс 5 йилдан камроқ ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи календарь иш ойлари учун иш ҳақи умумий миқдорини бу ойларнинг миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар ходим бир календарь ойдан камроқ вақт ишлаган бўлса, ишлаган ҳамма вақтдаги иш ҳақи ишлаган кунларининг сонига бўлинади ва ҳосил бўлган миқдор ойдаги иш кунларига кўпайтирилади, бу кунлар йил учун ўртача (6 кунлик иш ҳафтаси шароитида 25,4 ва беш кунлик иш ҳафтаси шароитида 21,2 иш куни) тарзда ҳисобланади. Бунда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун кўпи билан икки тариф ставкаси (ойлиги) ҳисобга олинади. Иш вақтини ҳисоблаш қийин бўлган ходимларнинг ҳақиқий иш ҳақи ҳам мана шунча миқдорда ҳисобга олинади. Бундай ходимларнинг рўйхати СССР Министрлар Совети томонидан белгилаб берилади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсия тайинлаш вақтида ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи бешта тўлиқ мавсумдаги иш ҳақини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади.

78-м о д д а. **Пенсияни ҳисоблаб чиқариш вақтида ҳисобга олинадиган меҳнат ҳақининг турлари**

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг ҳамма турлари қўшиб ҳисобланади, амалдаги меҳнат ҳақи системасида белгилаб берилмаган бир йўла тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган отпуска учун тўланган ҳақ, ишдан бўшаганда берилади-ган нафақа ва бошқалар) бу ҳисобга кирмайди, бу тўловларнинг рўйхати СССР Министрлар Совети белгилаб берадиган тартибда тасдиқланади. Бунда ўриндошлик юзасидан тўланган ҳақ башарти асосий ишдаги маоши билан бирга энг оз иш ҳақининг тўрт ҳиссасидан ошиб кетмаса (тегишли ҳолларда энг оз иш ҳақига белгиланган район коэффициентлари жорий этилган тақдирда), бу меҳнат ҳақи ҳам ҳисобга олинади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлиги юзасидан тўланган нафақа ёки ходим учун сақлаб қолинадиган ўртача иш ҳақи пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун тегишли даврдаги иш ҳақига қўшилади.

Башарти, ходим асосий лавозимида тўла мансаб оклади (ставкаси)ни олмаган бўлса, шу ёки ўзга корхонада, ташкилотда бошқа ишни бажарган бўлса, у ҳолда пенсия ҳамма иш жойларидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади, аммо асосий лавозимдаги тўла мансаб оклади (ставкаси)дан ошиб кетмаслиги керак (ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ўриндошлик учун чеклаш бўлмайди). Бунда Узоқ Шимол районларида ва Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда ишловчи кишиларга асосий лавозимдаги мансаб оклади (ставкаси)дан ташқари, район коэффициенти юзасидан берилган тўловлар ҳамда мазкур районлар ва жойларда ишлаганлик учун устамалар ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари, мансаб оклади (ставкаси) устига муайян муддат ишлаганлик учун олган ҳақи (узлуксиз иш учун фоиз устамаси) ва корхона ёки ташкилотнинг йиллик иш якунлари юзасидан олган мукофоти қўшиб ҳисобланади.

Давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлмаган шахсларга (3-модданинг «д» банди) пенсия ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига суғурта бадаллари қўшиладиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг ҳамма турлари қўшилади.

79-м о д д а. **Колхозлар аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартиби**

Колхоз аъзоларига пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилишдан аввалги сўнгги 15 йиллик ишдан (пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилган кишининг раъйига қараб) сурункасига исталган 5 йил олинади.

5 йиллик ўртача ойлик иш ҳақи колхознинг жамоат хўжалигида сурункасига ишланган (кейинги 15 йиллик иш доирасида) 60 календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилган киши колхозда 5 йилдан камроқ вақт аъзо бўлиб турган ҳолларда пенсия колхозда бўлган ҳамма вақтдаги ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда ўртача ойлик иш ҳақи тегишли даврдаги умумий иш ҳақини шу даврдаги ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

80-м о д д а. **Колхоз аъзоларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинадиган меҳнат ҳақи турлари**

Колхозларнинг аъзоларига пенсия ҳисоблаб чиқариш учун колхознинг жамоат хўжалигидаги иш эвазига тўланган ҳамма турдаги ҳақ иш ҳақига қўшиб ҳисобланади.

81-м о д д а. **Иш ҳақини жамлаш**

Башарти, ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилаётган даврнинг бир қисми колхоз аъзоси сифатидаги ишга, бир қисми бошқа ишга тўғри келса, ҳар бир даврдаги иш ҳақи колхоз аъзолари ва бошқа шахслар учун алоҳида-алоҳида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақининг умумий миқдори олтмишга ёки кўрсатилган иш даврларидаги ойлар сони олтмишдан кам бўлса, ҳақиқий ойлар сонига бўлинади.

82-м о д д а. **Ижодий уюшмаларнинг аъзоларига пенсияларни ҳисоблаб чиқариш**

Ижодий уюшмаларнинг аъзоларига ва ушбу Қонуннинг 3-моддаси «в» бандида кўрсатилган бошқа шахсларга пенсиялар пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилинган ижодий фаолиятнинг сўнгги 15 йилидан сурункасига исталган беш йил учун давлат ставкаларига мувофиқ ҳисобланган муаллифлик қалам ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар бир вақтнинг ўзида корхоналарда ёки ташкилотларда ишлаб турган бўлса, уларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун тегишли даврдаги муаллифлик қалам ҳақи ёки иш ҳақи ҳисобга олинади. Бироқ башарти корхона ёки ташкилотдаги иш юзасидан олинган иш ҳақи энг оз иш ҳақининг тўрт ҳисса улушига етмайдиган бўлса, у ҳолда иш ҳақи билан бирга суғурта бадаллари ундириб олинадиган муаллифлик қалам ҳақи миқдори энг оз иш ҳақининг тўрт карра миқдори доирасида ҳисобга олинади.

83-м о д д а. **Иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш соҳасидаги имтиёзлар**

Ушбу Қонуннинг 76, 77, 79, ва 82-моддаларига биноан ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш вақтида пенсия тайинланишини сўраб мурожаат қилган кишининг истагига кўра, врачлик-техникавий эксперт комиссияси (ВТЭК)нинг хулосасига биноан, ногирон бўлган ёки майиб бўлиш сабабли ёҳуд сиҳат-саломатлигига етган бошқа зарар учун товон олган, I группа ногиронни ёки 16 ёшга етмаган ногирон болани, шунингдек 80 ёшга етган кексани боққан ёки ёш болаларни боқиш отпускасида бўлган даврни 15 йиллик иш вақтига киритилмайди.

84-м о д д а. **Иш стажи тўлиқ бўлмаган тақдирда пенсияни ҳисоблаб чиқариш**

Иш стажи тўлиқ бўлмаган тақдирда (21, 32 ва 49-моддалар) пенсиялар мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш қуйидаги тарзда ўтказилади: аввал тегишли тўла пенсия аниқланади, бу пенсия талаб қилинадиган тўлиқ иш стажининг ойларига тақсимланади, ҳосил бўлган миқдор ҳақиқатдаги мавжуд иш стажи ойларига кўпайтирилади (бу стажда 15 кундан ортиқ давр тўла ойгача йириклаштирилади, 15 кунгача бўлган даврэса, шу жумладан 15 кун ҳам ҳисобга олинмайди).

Башарти, тўла стаж бўлган тақдирда пенсия ушбу Қонунда белгиланган энг оз миқдорда (20, 31 ва 47-моддалар) тайинланиши лозим бўлса, у ҳолда тўлиқсиз стаждаги пенсия энг оз пенсия миқдорига асосланиб, мавжуд стажга мутаносиб тарзда тайинланади, бироқ ҳамма ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган ижтимоий пенсия (120-модда) миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

85-м о д д а. **Юқорироқ маош асосида пенсияларни қайтадан ҳисоблаш**

Қарилик ёки ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейин пенсия ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан кўра юқорироқ маош билан камида 2 йил ишлаган пенсионерларга пенсионернинг аризасига мувофиқ, ушбу Қонуннинг 76—83-моддаларига биноан, пенсияни қайтадан ҳисоблашни сўраб мурожаат этишдан аввалги сўнгги беш йил учун аниқланадиган юқорироқ иш ҳақи асосида янги миқдордаги пенсия тайинланади.

Иш ҳақи бўлмаганлиги муносабати билан тайинланган энг оз миқдордаги пенсияни қайта ҳисоблаш ҳам мана шу шартлар асосида ўтказилади.

Пенсионернинг маоши яна да кўпайган тақдирда унинг аризасига биноан пенсия яна қайтадан ҳисоблаб чиқарилади. Пенсияни ҳар сафар қайта ҳисоблаб чиқариш аввалги қайта ҳисоблаб чиқаришдан кейин камида икки йил ишлаганидан сўнг ўтказилади.

86-м о д д а. **Иш стажи тўлиқ бўлмаганида пенсияларни қайтадан ҳисоблаб чиқариш**

Башарти стажи тўлиқ бўлмаган пенсионерга қарилик ёки 1 ва 2 группа ногиронлик пенсияси тайинланган бўлса-ю,у пенсия тайинланганидан кейин камида икки йил ишлаган бўлса, унинг аризасига мувофиқ пенсияни қайтадан ҳисоблаб чиқариш вақтигача мавжуд иш стажи асосида қайтадан ҳисоблаб чиқарилади. Пенсияни ҳар сафар қайтадан ҳисоблаб чиқариш аввалги қайта ҳисоблашдан кейин камида икки йил ишлаганидан сўнг ўтказилади.

Агар пенсионер ишлашни давом эттириб, тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли стаж орттирган бўлса, пенсионернинг аризасига мувофиқ, тўлиқсиз иш стажида пенсия тайинланганидан кейин қанча вақт ўтишидан қатъи назар пенсия тегишли равишда қайтадан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда агар пенсионер ногиронлик бошланган вақтгача пенсионернинг ёшига кўра (27-модда) тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли стажга эга бўлган тақдирда, унга ногиронлик юзасидан тўлиқ пенсия тайинланади.

Пенсияни қайтадан ҳисоблаб чиқариш пенсионернинг раъйига қараб, аввал бошда пенсия тайинланган (ёки кейинчалик ушбу Қонуннинг 85-моддасида кўзда тутилган тартибда қайтадан ҳисоблаб чиқарилган) иш ҳақидан ёки охирги иш ҳақидан амалга оширилади.

87-м о д д а. **Натура тарзидаги меҳнат ҳақини иш ҳақига қўшиш**

Колхозларнинг, кооперативларнинг пул билан биргаликда натура тарзида ҳақ оладиган аъзолари, совхозларнинг ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг шундай ходимлари (агар шу натура ҳақининг қийматидан суғурта бадаллари олинаётган бўлса) уларнинг ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда мана шу натура ҳақи меҳнат ҳақи тўланган даврдаги давлат чакана нархларида ҳисобга олинади.

88-м о д д а. **Ўқувчиларга пенсияларни ҳисоблаб чиқариш**

Ўқувчиларга (3-моддасининг «е» банди), аспирантларга ва клиника ординаторларига пенсия ҳисоблаб чиқаришда уларнинг хоҳишига кўра ўқиш даври учун иш ҳақ ўрнига стипендия ҳисобга олиниши мумкин.

89-м о д д а. **Чет элдаги иш даври учун маошни ҳисоблаб чиқариш**

СССРдан чет элга ишга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш вақтида улар чет элга юборилгунга қадар (76—83-моддалар) олган иш ҳақи ёки уларнинг раъйига қараб, ушбу Қонуннинг 90-моддасига мувофиқ белгиланадиган маош ҳисобга олинади.

90-м о д д а. **Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган совет фуқароларига пенсияларни ҳисоблаб чиқариш**

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган, СССРда ишламаган совет фуқароларига пенсиялар СССРдаги тегишли касб ва малака ходимларининг пенсия тайинланган вақтдаги ўртача иш ҳақи (тегишли касаба уюшмасининг маълумотларига биноан) ҳисобидан ҳисоблаб чиқарилади.

91-м о д д а. **Айрим гражданлар ҳузурида ишлаган кишиларга пенсияларни ҳисоблаб чиқариш**

Айрим гражданлар ҳузурида шартномаларга мувофиқ ишлаётган кишиларга (уй хизматчилари, энагалар, котиблар, машинистка-лар, стенографиячилар, қоровуллар, боғбонлар, шофёрлар ва бошқаларга) пенсиялар ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади, аммо бу аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи давлат корхоналарида ва ташкилотларда ишлаб турган тегишли касб ва малака ишчилари ҳамда хизматчиларининг икки тариф ставкаси (оклади)дан ошмаслиги керак.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи давлат корхоналари ва ташкилотларида машғул бўлган ходимлар тегишли категорияларининг тариф ставкалари (окладлари) тегишли касаба уюшмасининг маълумотларига биноан белгиланади.

92-м о д д а. **Боқувчисидан маҳрум бўл

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССРда ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).

учун уларнинг умумий қарамоғида бўлган оиланинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз аъзоси ҳисобга олинади.

96-м о д д а. **Иш ҳақига район коэффиценти белгиланган районларда яшовчи шахсларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш**

Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақига район коэффицентлари белгиланган районларда яшовчи шахсларга пенсияларни тайинлаш чоғида район коэффиценти қўлланиб ҳисобланган амалдаги иш ҳақи эътиборга олинади.

Бунда иш ҳақининг тўрт карра энг кам миқдори ва иш ҳақининг ушбу Қонунининг 76-моддасида кўзда тутилган кейинги қисми ҳам мазкур районда ноишлаб чиқариш тармоқлари ишчилари ва хизматчилари учун белгилаб қўйилган район коэффицентини қўлланиб белгиланади, лекин бу коэффицентнинг 1,5 идан ошмаслиги керак.

Ана шу шахслар иш ҳақига коэффицент белгиланмаган районларга кўчиб кетган тақдирда, уларнинг ихтиёрига мувофиқ пенсия худди шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади, лекин амалдаги иш ҳақидан район коэффиценти тўловлари ёки ушбу Қонуннинг 76 ва 78-моддаларига биноан ҳисоблаб чиқарган иш ҳақидан район коэффиценти тўловлари чиқариб юборилади.

Мамлакатнинг район коэффицентлари белгиланмаган ёки камроқ миқдорда белгиланган бошқа регионларидан ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган районларга доимий яшаш учун келган шахсларга пенсияни ҳисоблаб чиқилган иш ҳақига район коэффицентини қўлланиш йўли билан, мазкур районда амал қилаётган бошқа қоидаларга риоя этиб, қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Район коэффицентлар белгиланган районларда ушбу Қонунга мувофиқ тайинланадиган пенсияларнинг энг кам миқдори мазкур районда ноишлаб чиқариш тармоқлари ишчилари ва хизматчилари учун амал қилаётган коэффицентни қўлланиб ана шу районларда яшаган даври учун аниқланади. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ана шу районлардан чиқиб кетишда пенсияни қайта ҳисоблаб чиқариш чоғида район коэффицентини қўлланиш тартибини СССР Министрлар Совети белгилаб беради.

97-м о д д а. **Оилавий аҳволдаги ўзгариш, ишга кириш ёки уни тўхтатиш муносабати билан пенсияни қайтадан ҳисоблаш**

Пенсия тайинлангандан кейин пенсионер оилавий аҳволдаги ўзгаришлар муносабати билан, ишга кириш ёки ишни тўхтатиш муносабати билан оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари учун қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ёки шу ҳуқуқни йўқотган ёҳуд ана шу қўшимча ҳақ миқдори ўзгартирилиши лозим бўлган ҳолларда пенсия тегишли равишда қайтадан ҳисоблаб чиқарилади.

98-м о д д а. **ССР Иттифоқи олдидаги алоҳида хизматлари учун пенсиялар**

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига, уччала даража Шуҳрат ордени билан, уччала даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан, «СССР Қуролли Кучларида Ватанга хизмат қилганлик учун» уччала даража ордени билан мукофотланган кишиларга, СССРнинг фахрий унвонларига эга бўлган кишиларга, шунингдек давлат, жамоат, хўжалик фаолиятидаги, фан, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларидаги хизматларининг совет давлати томонидан эътироф этилиши белгиси сифатида бошқа гражданларга ССР Иттифоқи олдидаги алоҳида хизматлари учун пенсия тайинланиши мумкин.

ССР Иттифоқи олдидаги алоҳида хизматлари учун пенсия тўғрисидаги низомни СССР Олий Совети тасдиқлайди.

Пенсияларни тайинлаш

99-м о д д а. **Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш тартиби**

Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза сўнгги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти орқали берилади.

Колхозлар ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига, уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза колхоз (кооператив) идораси орқали берилади.

Маъмурият (идора) касаба уюшмаси комитети билан биргаликда ариза тушган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга уларни ариза берган кишининг истиқомат жойидаги район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ёки ижтимоий таъминотнинг бошқа тегишли идорасига* ёҳуд иттифоқдош республиканинг ижтимоий таъминот органлари белгилайдиган тартибда, — корхона ёки ташкилот жойлашган ердаги район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Агар пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган ходимга пенсия тайинлаш учун тақдимнома бериш рад этилган тақдирда бу ҳақда рад этиш сабаблари кўрсатиб ёзма равишда хабар қилинади.

Пенсия тайинланиши учун мурожаат қилган киши маъмурият (идора) ва касаба уюшмаси комитетининг ўзига пенсия тайинланиши учун уни тақдим қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорига рози бўлмаган холларда у пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризани бевосита район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига бериши мумкин.

Бошқа гражданларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисида аризалар бевосита аризачининг истиқомат жойидаги район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсияларни тайинлаш масалалари хусусида изоҳлаб ва маълумотномалар беришлари, шунингдек, зарур ҳужжатларни олишда аризачига ёрдам беришлари шарт.

Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда ана шундай ҳужжатлар берилганлигининг асосли эканлигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

100-м о д д а. **Пенсия тайинлайдиган ташкилотлар**

Пенсияларни халқ депутатларининг район (шаҳар) ёки шунга тегишли Советлари* томонидан тузиладиган пенсия тайинлаш комиссиялари тайинлайди. Комиссия халқ депутатлари Совети белгилаб берадиган таркибда тузилади. Комиссия таркибига бошқа аъзолар қатори район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг мудири киради. Пенсияларни тайинловчи комиссиянинг ваколатига биноан унинг номидан пенсиялар комиссиянинг танҳо аъзоси — район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг мудири томонидан тайинланиши мумкин. Аммо барча ҳолларда пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган киши ҳамда бошқа манфаатдор шахслар ва ташкилотларнинг талабига кўра, пенсия тайинлаш тўғрисидаги масалани пенсияларни тайинловчи комиссия ҳал қилади.

101-м о д д а. **Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиш муддатлари**

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни пенсия тайинловчи органлар (100-модда) ана шу ҳужжатлар олинган кундан бошлаб узоғи билан 10 кун ичида кўриб чиқадилар.

Ушбу Қонунда кўзда тутилган шартларга мувофиқ келмаслик важларига кўра пенсия тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни барча ҳолларда фақат пенсия тайинловчи комиссия қабул қилади. Ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин 5 кундан кечикмай пенсия тайинлаш рад этилганлиги тўғрисида ана шу рад этиш сабаблари ҳамда шикоят қилиш тартиби кўрсатилган хабарномани корхона, ташкилотга ёки аризачига топширади ёки юборади ва айни вақтда барча ҳужжатларни қайтаради.

102-м о д д а. **Пенсия тайинловчи комиссия қарорларидан шикоят қилиш**

Пенсия тайинловчи комиссиянинг қароридан шикоятлар халқ депутатлари район (шаҳар) Советига ёки район (шаҳар) халқ судига берилиши мумкин.

103-м о д д а. **Пенсияни тайинлаш муддатлари**

Пенсиялар пенсияга мурожаат этилган кундан бошлаб тайинланади, пенсиялар анча барвақт тайинланадиган қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) пенсия ёшига етган ёки ногиронлик белгиланган кундан кейин кечи билан 3 ой ўтгач пенсияга мурожаат қилинган тақдирда қарилик ва ногиронлик пенсиялари пенсия ёшига етган ёки ВТЭК ногиронликни белгилаган кундан бошлаб тайинланади;

б) боқувчисидан маҳрум бўлганлик муносабати билан пенсиялар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб тайинланади, аммо бу муддат пенсияга мурожаат этишдан олдин ўзоғи билан 12 ойдан ошмаслиги керак.

104-м о д д а. **Тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш муддатлари**

Тайинланган пенсия қуйидаги муддатлардан бошлаб қайта ҳисобланади:

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда — пенсионер тегишли аризани барча зарур ҳужжатлар билан бирга ойнинг 15-кунигача берган бўлса, пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилинган ойнинг биринчи кунидан бошлаб ва у аризани барча зарур ҳужжатлар билан ойнинг 15-кунидан кейин берган бўлса, кейинги ойнинг биринчи ойидан бошлаб;

Пенсияни камайтиришга олиб келувчи ҳолатлар юзага келган тақдирда — ана шу ҳолатлар ойнинг 15-кунига қадар содир бўлган бўлса, шундай ҳолатлар юзага келган ойларнинг биринчи кунидан бошлаб, агар бундай ҳолатлар ойнинг 15-кунидан кейин содир бўлса, навбатдаги ойнинг биринчи кунидан бошлаб.

Ушбу Қонуннинг 37 ва 54-моддаларида кўзда тутилган ҳолларда пенсиялар ана шу моддаларда кўрсатилган муддатлардан бошлаб қайта ҳисобланади.

105-м о д д а. **Бир пенсиядан иккинчи пенсияга ўтказиш**

Пенсия тайинловчи комиссиянинг аъзоси — ижтимоий таъминот бўлими мудирининг танҳо ўзи бир пенсиядан иккинчи пенсияга ўтказади.

Бу ўтказиш барча зарур ҳужжатлар билан (агар улар пенсия ишида бўлмаса) тегишли ариза берилган кундан бошлаб амалга оширилади.

106-м о д д а. **Фуқароларнинг айрим тоифаларига меҳнат пенсияларини тайинлаш чоғида ижтимоий пенсиялар нормасини қўлланиш тартиби**

Ижтимоий пенсиялар нормаларига мувофиқ меҳнат пенсиялари ва уларга қўшимча ҳақлар миқдорларини белгилаш чоғида (22, 35, 47, 49, 84-моддалар) 60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар, шунингдек 40-модданинг «в» бандида кўрсатилган кишилар ушбу Қонуннинг 120-моддасидаги «б» бандида кўзда тутилган кишиларга тенглаштирилади.

Пенсияларни тўлаш

107-м о д д а. **Пенсияларни истиқомат жойида тўлаш**

Ишламайдиган пенсионерларга пенсия пенсионерларнинг пропискасидан қатъи назар, амалда истиқомат қилаётган жойдаги ижтимоий таъминот органи томонидан тўланади.

108-м о д д а. **Пенсияларни иш жойида тўлаш**

Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар иш жойида ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан тўланади.

Пенсиялар иш жойида ўтган ой учун айни бир вақтда ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда тўланади.

109-м о д д а. **Пенсионерлар ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг пенсияларни тўлашга таъсир қилувчи шарт-шароит ўзгаргани ҳақида ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилиш бурчлари**

Иш ҳақи ёки бошқа даромад мавжудлиги туфайли пенсия камроқ миқдорда тўланиши ёки умуман тўланмаслиги лозим бўлган ҳолларда пенсионерлар иш ҳақи ёки бошқа даромад мавжудлиги ҳақида ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишлари шарт.

Боқувчисидан маҳрум бўлганлик муносабати билан пенсия олувчи пенсионерлар ҳам пенсия ёки пенсияга қўшимча ҳақ тўланаётган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишлари шарт.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари пенсионерларни ишга қабул қилганликлари тўғрисида 5 кун муддат ичида тегишли ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишлари шарт.

110-м о д д а. **Пенсияни ишонч қоғозига мувофиқ тўлаш ва уни расмийлаштириш тартиби**

Пенсия ишонч қоғозига мувофиқ тўланиши мумкин. Ишонч қоғози узоғи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

Агар ишонч қоғозида муддат кўрсатилмаган бўлса, у ёзиб берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолади. Ишонч қоғози нотариал тартибда ёки пенсионернинг истиқомат жойидаги уй бошқармаси ёки уй-жой хўжалиги бошқа ташкилоти ёҳуд пенсионер даволанаётган стационар-даволаш муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

111-м о д д а. **Утган вақт учун пенсия тўлаш**

Пенсионер ўз вақтида талаб қилиб олмаган ҳисоблаб чиқарилган пенсия пули пенсия олишга мурожаат этишдан аввалги ўтган вақт учун узоғи билан уч йилга тўланади.

Пенсия тайинлайдиган ёки тўлайдиган органнинг айби билан ўз вақтида олинмаган пенсия пули ўтган вақт учун ҳеч қандай муддат билан чекланмай тўланади.

112-м о д д а. **Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида яшовчи кишиларга пенсиялар тўлаш**

Қариялар ва ногиронлар интернат уйлари (пансионатлар)да яшовчи ёлғиз пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 10 фоизи, лекин қарилигига кўра, энг кам пенсиянинг ойига камида 20 фоизи тўланади. Улар пенсиялари миқдори ана шу интернат уйлар (пансионатлар)да яшаш ҳақидан ошган тақдирда пенсия билан яшаш ҳақи ўртасидаги фарқ тўланади. Аммо бу ҳақ тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизини ва қарилигига кўра, энг оз пенсиянинг ойига камида 20 фоизини ташкил этиши керак. Агар қариялар ва ногиронлар интернат уйи (пансионат)да яшовчи пенсионерларнинг қарамоғида меҳнатга яроқсиз оила аъзолари бўлса (40, 41, 43, 44-моддалар), у ҳолда пенсия қуйидаги тартибда тўланади. Пенсионернинг ўзига пенсиянинг 10 фоизи, аммо ёшига кўра, энг кам пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади, пенсиянинг қолган қисми эса, аммо тайинланган миқдорнинг 50 фоизигача бўлган қисми оиланинг ана шу аъзоларига тўланади.

113-м о д д а. **Стационарда даволанган даврида пенсия тўлаш**

Пенсионер касалхонада, клиникада, госпиталда ва бошқа даволаниш муассасаларида, шунингдек моховхоналарда стационар-даволаниш даврида пенсия бутунлай тўланади.

114-м о д д а. **Озодлик маҳрум этилган пайтда пенсия тўлашни тўхтатиб қўйиш**

Пенсионер озодликдан маҳрум этилган тақдирда аввал тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум этилган пайтда тўхтатиб қўйилади.

115-м о д д а. **Пенсиялардан ушлаб қолиш**

Пенсиялардан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиниши мумкин:

а) судларнинг ҳал қилувчи қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий жазо қисмида), нотариал идораларнинг ижроия ёзувлари ҳамда бошқа ҳулосалар ва қарорлар асосида, уларни ижро этиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Қонунларига мувофиқ суд қарорлари ижроси учун белгиланган тартибда ижро этилади;

б) пенсионер томонидан суиистеъмол қилиниш (ҳужжатларни атайлаб нотўғри маълумотлар билан тақдим этганлиги, иш ҳақи ёки бошқа даромадни яшириб кўрсатганлиги, оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар бермаганлиги) натижасида унга ортиқча тўланган пенсия миқдорини ундириб олиш учун пенсиялар тайинловчи комиссияларнинг қарорлари асосида.

Юқорида кўрсатилганларидан ташқари пенсиялардан ҳеч қандай ушлаб қолинишга йўл қўйилмайди.

Пенсиядан ушлаб қолиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Қуйидаги ҳолларда пенсиядан унинг 50 фоизгача қисми ушлаб қолиниши мумкин: оила аъзоларини боқишга (алиментлар), корхона ёки ташкилотлар мулкини ўғирлаганлик туфайли етказилган зарарни қоплашга, майиб қилиш ёки саломатликни бошқа тарзда шикастлантириш туфайли етказилган, шунингдек боқувчининг ўлими билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплашга, Қонунда кўзда тутилган ҳолларда ортиқча олган иш ҳақи миқдорини қайтаришга.

Жазонинг қолган барча турлари бўйича пенсиянинг 20 фоизигача қисми ушлаб қолиниши мумкин.

Пенсиялар тайинлаш комиссиянинг қарорларига мувофиқ пенсиянинг бошқа асосларда ушлаб қолинган қисмидан ташқари 20 фоизгача бўлган қисми ушлаб қолинади.

Пенсионерга белгиланган жазонинг барча ҳоллари унга тегишли пенсиянинг камида 50 фоизи сақлаб қолинади.

Пенсия тўлаш тўхтатилган (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) тақдирда пенсия тайинловчи комиссияларнинг қарорлари асосида ушлаб қолинадиган ортиқча тўланган пенсиянинг қолган қисми суд йўли билан ундириб олинади.

116-м о д д а. **Пенсионер вафоти муносабати билан тўла олинмаган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш.**

Пенсионерга тегишли бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолинган пенсия мерос таркибига қирмайди ва боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан пенсия билан таъминланадиган доирага мансуб оила аъзоларига тўланади. (40, 41, 43 ва 44-моддалар) Бироқ пенсионернинг ота-онаси ва хотини (эри), шунингдек у билан яшовчи оила аъзолари агар боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан пенсия билан таъминланадиган доирага кирмаган бўлсалар, пенсионер ўлган кундан ана шу пулни олишга ҳақлидирлар.

Оиланинг бир неча аъзолари мурожаат қилган тақдирда уларга тегишли пул улар ўртасида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этгандан сўнг узоғи билан 6 ойда мурожаат қилинган бўлса, мазкур пенсия пули тўланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига дафн этиш учун икки ойлик пенсия пули миқдорида нафақа тўланади.

Агар пенсионерни оила аъзолари бўлмаган қишилар дафн этган бўлсалар, нафақа ана шу кишиларга нафақанинг кўрсатилган миқдори доирасида дафн этишга амалда кетган сарф-харажатлардан ошмаган миқдорда тўланади.

117-м о д д а. **Чет элга кўчиб кетган гражданларга пенсия тўлаш**

Доимий истиқомат қилиш учун чет элга кўчиб кетган гражданларга пенсиялар тайинланмайди.

Чет элга доимий истиқомат қилиш учун жўнаб кетгунга қадар СССРда тайинланган пенсия чет элга жўнаб кетишдан аввал 6 ой учун олдиндан тўланади. Ана шу гражданларга меҳнатда шикастланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина чет элда бўлган даврида тўланади.

Иш пайтида майиб бўлганлик ёки касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни бошқа мамлакатларга ўтказиш тартибини СССР Министрлар Совети белгилайди.

118-м о д д а. **СССР билан бошқа мамлакатлар ўртасида ижтимоий-таъминот тўғрисидаги битимлар**

СССР билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий — таъминот тўғрисидаги битимларда (шартномаларда) ушбу Қонунда баён қилинганидан бошқачароқ қоидалар кўзда тутилган тақдирда ана шу битимлар (шартномалар)да белгилаб қўйилган қоидалар қўлланилади.

III БЎЛИМ.

ИЖТИМОИЙ ПЕНСИЯЛАР

119-м о д д а. **Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган гражданлар**

Ижтимоий пенсиялар меҳнат пенсиясини олиш ҳуқуқи бўлмаган ишламаётган қуйидаги гражданларга (болаликдан ногиронлардан ташқари) тайинланади ва тўланади:

I ва II гуруҳ ногиронларига, шу жумладан болаликдан ногиронларга, шунингдек III гуруҳ ногиронларига;

эркаклар — 65 ёшга тўлганларида, аёллар 60 ёшга тўлганларида;

боқувчисидан маҳрум бўлган болаларга (40-модданинг «А» банди);

16 ёшгача бўлган ногирон болаларга.

16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқини берадиган тиббий кўрсатмалар рўйхати СССР Министрлар Совети аниқлаб қўйган тартибда белгиланади.

120-м о д д а. **Пенсиялар миқдори.**

Ижтимоий пенсиялар қуйидаги миқдорларда тайинланади:

а) биринчи гуруҳ ногиронларига, болаликдан I—ва II — гуруҳ ногиронларига ҳамда 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга қарилик пенсияси энг кам миқдорининг 100 фоизи миқдорида (20-модда);

б) II гуруҳ ногиронларига (болаликдан ногиронлардан ташқари); эркакларга — 65 ёшга тўлганда, аёлларга — 60 ёшга тўлганда; болаларга (40-моддданинг «а» банди) боқувчисини йўқотган тақдирда ҳар бир болага энг кам қарилик пенсиясининг 50 фоизи миқдорида;

в) III гуруҳ ногиронларига энг кам қарилик пенсиясининг 30 фоизи миқдорида.

Қаҳрамон оналарга ижтимоий пенсиялар ҳар қандай ҳолларда энг кам қарилик пенсиясининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тайинланади.

121-м о д д а. **Пенсия миқдорига район коэффицентларини қўлланиш**

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига район коэффицентлари белгиланган районларда яшовчи шахсларга ана шу районларда улар истиқомат қилиб турган даврда ноишлаб чиқариш тармоқларининг ишчилари ва хизматчилари учун белгиланган коэффициент қўлланиб, ижтимоий пенсияларнинг миқдори белгиланади.

122-м о д д а. **Ижтимоий пенсия ёки меҳнат пенсиясига устамани танлаб олиш ҳуқуқи**

Бир вақтнинг ўзида ижтимоий пенсия олиш ва оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари учун қарилик ва ногиронлик пенсиясига устама олиш ҳуқуқи бўлган тақдирда (22 ва 35-моддалар) мурожаат қилган шахснинг ҳоҳишига қараб ёки пенсия ёки устама тайинланади.

123-м о д д а. **Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби**

Ижтимоий пенсияларни тайинлаш ва тўлаш чоғида ушбу Қонуннинг тегишли 99—105, 107, 109—116 ва 118-моддалари қўлланилади.

IV БЎЛИМ.

ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТАДАН ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

124-м о д д а. **Тирикчилик қиймати ўзгарганлиги ва иш ҳақининг ошганлиги муносабати билан пенсияларни кўпайтириш**

Ушбу Қонуннинг 20, 31 ва 47-моддалари нормаларига мувофиқ иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган пенсиялар турмуш қийматининг ўзгаришига ва иш ҳақининг ўсишига қараб СССР Олий Совети томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда ҳар йили пенсия ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақининг камида 2 фоизи миқдорида ошириб борилади. (76-модда)

125-м о д д а. **Илгари тайинланган пенсияларни қайта ҳисоблаш**

Пенсия ишида қайта ҳисоблаш вақтида мавжуд бўлган ёш, стаж, иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек пенсионер қайта ҳисоблаш вақтигача тақдим этган қўшимча ҳужжатлар асосида пенсия қайта ҳисобланади.

Агар пенсионер кейинчалик ушбу Қонунни кучга киритиш муносабати билан пенсияни янада ошириш ҳуқуқини берадиган қўшимча ҳужжатларни (иш стажи, иш ҳақи, оилавий аҳволи тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларни) тақдим этса, у ҳолда пенсия ушбу Қонун нормаларига мувофиқ яна қайтадан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда қўшимча ҳужжатлар тақдим этишдан олдинги давр учун — лекин бу давр кўпи билан 12 ойдан ошмаслиги керак — ҳамда ушбу Қонун кучга киритилган кундан кейингина қайта ҳисоблаб чиқарилади.

126-м о д д а. **Пенсияларни қайта ҳисоблаш чоғида инобатга олинадиган иш ҳақи**

Илгари амал қилган Қонунларга мувофиқ тайинланган пенсиялар пенсионернинг ҳоҳишига қараб пенсионерларнинг тегишли тоифаси учун ушбу Қонун кучга киришидан олдинги 5 йил ўртача ойлик иш ҳақидан (76—83 ва 96-моддалар) ёки пенсия тайинлашдан олдинги иш ҳақидан ёҳуд олдин пенсия миқдори ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан пенсия ишидаги мавжуд ҳужжатларга қараб, ушбу Қонуннинг 76-моддаси иккинчи қисми ва 96-моддасини қўлланиб қайта ҳисобланади.

127-м о д д а. **Ушбу Қонун кучга киргунга қадар имтиёзли шартлар билан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга имтиёзли пенсиялар тайинлаш тартиби**

Ушбу Қонун кучга киргунга қадар илгари амал қилган Қонунда кўзда тутилган меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда ишлаган шахсларга қарилик пенсиялари қуйидаги шартларда тайинланади:

а) ушбу Қонун кучга кирган кунга қадар имтиёзли шартлар билан пенсия олиш ҳуқуқини берадиган мазкур ишларда тўла стажга эга бўлган шахсларга ушбу Қонунда кўзда тутилган миқдордаги пенсиялар илгари амал қилган Қонунда белгилаб қўйилган ёш ва стаж талабларига мувофиқ равишда тайинланади;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўла иш стажига эга бўлмаган ва 13-моддага мувофиқ пенсия тўлаш учун тайинланадиган ёшга етмаган шахсларга пенсия олдин амал қилган Қонунда белгилаб қўйилган ана шу стаж талабларидан келиб чиқиб, ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўзда тутилган тартибда пенсия мавжуд стажига мутаносиб равишда камайтирилади.

V БЎЛИМ.

ИТТИФОҚДОШ ВА АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ, МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ПЕНСИОНЕРЛАРНИ МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ҲУҚУҚЛАРИ

128-м о д д а. **Пенсионерларни моддий жиҳатдан таъминлашнинг қўшимча турлари белгилаб қўйилишида ССР Иттифоқининг кафолатлари ҳамда бунда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари**

Ушбу Қонунда меҳнат ва уруш ветеранлари, бошқа меҳнатга лаёқатсиз гражданлар моддий таъминотини ССР Иттифоқи кафолат берадиган даражаси белгилаб қўйилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан мазкур регионнинг энг кам истеъмол бюджетини ҳисобга олиб, пенсионерларни моддий таъминлашнинг қўшимча турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

129-м о д д а. **Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳуқуқлари**

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан пенсионерлар ва ногиронларга тегишли республика бюджети маблағидан қуйидаги қўшимчалар ва устамалар белгиланиши мумкин:

ССР Иттифоқи кафолат берадиган пенсияларнинг энг кам миқдорига, давлат пенсияларининг ҳамма турларига турмушнинг қиймати ўзгаришига ва республикада иш ҳақининг ўсишига мувофиқ равишда қўшимчалар;

бошқалар ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларнинг пенсияларига уларга қараб туриш учун устама;

ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлашнинг, шунингдек болали аёллар учун қарилик пенсиясига чиқишнинг ушбу Қонунда кўзда тутилган шартларга нисбатан аниқ нуфус вазияти ҳисобга олинган янада имтиёзли шартлари;

айрим тоифадаги ходимларнинг, шу жумладан алоҳида иқлим шароитига эга бўлган районлардаги ходимларнинг уларнинг меҳнати ва турмушидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, муддатидан олдин пенсияга чиқиши;

меҳнатдаги ғоят катта ютуқлари ҳамда давлат, жамоат ва хўжалик фаолияти, фан ва маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида республика олдидаги хизматлари учун пенсиялар; тиббий хизмат ҳамда санаторий-қурортларда даволаниш юзасидан имтиёзлар; уй-жой майдони, коммунал хизмат учун ҳақ тўлашда ва жамоат транспортида юришда имтиёзлар;

шахсий ҳаракат воситалари (автомобиллар, автоколяска, велоколяска ва кресло-коляскалар), ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал ҳамда пенсионерлар учун зарур бошқа моллар қийматини чегириш;

пенсионерлар маданий-маърифий ҳамда театр-томоша муассасаларига кириш-лари чоғида билет қийматини тўлашдаги имтиёзлар.

Иттифоқдош ва автоном республикалар пенсионерларнинг, энг аввало кам таъминланган, ёлғиз, ёши кичик пенсионерларнинг, етимларнинг ва ногиронларнинг, уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкариси меҳнатчилари турмуш шароитини тегишли республика бюджети маблағи ҳисобидан яхшилашга қаратилган бошқа қарорларни қабул қилишлари мумкин.

130-м о д д а. **Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқлари**

Халқ депутатлари ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва бошқа маъмурий-территориал бирликлар Советлари тегишли маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан ўз ҳуқуқлари доирасида пенсионерлар ва ногиронлар учун ушбу Қонуннинг 129-моддасида кўзда тутилган имтиёзларни, шунингдек улар учун текин ёки қиймати чегирилган умумий овқатланишни жорий этишлари мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан пенсионерлар турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бошқа қарорларни ҳам қабул қилиши мумкин.

131-м о д д а. **Меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари**

Корхона ва ташкилотнинг маъмурияти касаба уюшмаси комитети ва меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағи ҳисобидан ушбу жамоада меҳнат қилган ветеранлар ва ногиронлар, бошқа пенсионерлар турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга, жумладан қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ходимнинг меҳнат ҳиссасини, умумий ва узлуксиз иш стажини ҳисобга олиб, давлат пенсияларига қўшимча белгилаш;

ноқулай меҳнат шароитида ёки алоҳида иқлим шароитига эга бўлган районларда банд бўлган ходимлар учун, агар улар ушбу Қонунга мувофиқ меҳнат шароитларига кўра имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланмасалар, муддатидан олдин пенсия жорий этиш;

ишлаётган пенсионерларга ушбу Қонунда кўзда тутилганидан имтиёзлироқ шартлар билан пенсия тўлаш; бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларнинг пенсияларига уларга қараб туриш учун устама белгилаш; ушбу меҳнат жамоаси олдида алоҳида хизмат кўрсатган ходимларга ва аввало меҳнатда юксак натижаларга эришган ходимларга уларнинг пенсияларига шахсий қўшимча жорий этиш, улар пенсияга чиқиш чоғида бир вақтнинг ўзида нафақа тўлаш. Корхоналар ва ташкилотлар ижтимоий ривожланиш учун мўлжалланган ўз маблағлари ҳисобидан пенсионерларга уй-жой майдони учун ҳақ тўлашда, болаларни корхона ва ташкилот қарамоғидаги болалар муассасасида сақлаш учун ҳақ тўлашда имтиёзлар белгилаб қўйишга, ёқилғи, коммунал хизмат, якка ҳаракат воситалари, пенсионерлар учун зарур бўлган бошқа моллар, уй-жой-қурилиш, боғдорчилик, гараж-қурилиш кооперативларига пай бадаллари, жамоат транспортининг ҳамма турларида юриш учун билетлар ҳамда маданий-маърифий ва театр-томоша муассасаларига кириш билетлари қийматини қисман ёки тўла тўлашга, пенсионерларга бошқа ёрдам кўрсатишга ҳақлидир.

Корхоналар ва ташкилотлар ана шу корхоналар ва ташкилотлар ихтиёридаги спорт-соғломлаштириш комплексларидан, дам олиш уйларидан, пансионатлардан, санаторийлар ва маданий-маърифий муассасалардан фойдаланиш чоғида пенсионерларга имтиёзлар беришга мажбурдирлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти.

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 15 май.

(СССР Олий Советининг «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қарори газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

* бундан буён район (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими деб юритилади.

* бундан буён халқ депутатлари район (шаҳар) Совети деб юритилади.

Футбол

САФАРДАГИ ҒАЛАБА